Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

● 2008 йил 25 ноябрь ● сешанба ● № 52-53 (612) ● e-mail: inson_va_qonun@mail.ru ● www.minjust.uz

● *Мустаҳкам пойдевор*

Кадрлар тайёрлаш сиёсати

тараққиётимиз мезони

МАМЛАКАТИМИЗ равнақи ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқнинг билим даражаси ва дунёқарашига боғлиқ. Шахснинг таълим-тарбия соҳасидаги фаоллиги, унинг чинакам фуқаровий муносабати, демократик ислоҳотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилидир. Президентимиз таъкидлаганидек, "Таълим-тарбия — онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб онгни ўзгартириб бўлмайди. Онгни, тафаккурни ўзгартирмасдан туриб эса биз кўзлаган олий мақсад — озод ва обод жамиятни барпо этиб бўлмайди".

БУГУНГИ КУНДА янги таълим тизими фаолиятини такомиллаштириш ва барқарорлаштириш ҳамда фуқароларнинг билим олиш ҳуқуқларини таъминлашда ривожланган хориж давлатларининг тажрибаси билан бир вақтда Шарқдаги мутафаккир аждодларимизнинг бебаҳо мерosларидан ҳам фойдаланиш тақозо этилади.

2

● *Бугун*

Халқаро конференция

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида пойтахтимизнинг "Intercontinental" меҳмонхонасида "Жамиятни демократлаштириш ва инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг долзарб ҳуқуқий масалалари — Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция ўтказилади.

Анжуманда юртимизнинг етакчи ҳуқуқшунос олимлари ва амалиётчилари билан бир қаторда Буюк Британия, Германия, Россия, Қозоғистон ва Японияда келган йирик ҳуқуқшунос-мутахассислар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этади. Конференцияда кўтарилган мавзу ва масалаларнинг тўлиқ талқини билан газетамизнинг кейинги сонида танишасиз.

Тизим тадбирлари

Корхонада учрашув

"ФАРҒОНААЗОТ" очиқ акциядорлик жамиятида Президентимизнинг шу йил 1 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг мазмун-моҳияти ҳамда "Адвокатлар томонидан кўрсатилган ҳуқуқий ёрдам учун давлат томонидан ҳақ тўлаш тартиби" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Фарғона шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси ва фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро суди ҳамкорлигида ташкиллаштирилган мазкур тадбирда корхонанинг барча цехлари ишчи-хизматчилари иштирок этиб, ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоблар олишди.

Ирода БЕКМИРЗАЕВА,
Фарғона шаҳар 1-сонли давлат нотариал идорасининг катта нотариуси

Жазодан озод қилинди

НАВОИЙ ШАҲРИДАГИ жазони ижро этиш муассасасида ўтказилган навбатдаги тадбир амнистия актини қўллашга бағишланди.

Жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат бўйича Навоий прокурорининг илтимосномалари жиноят ишлари бўйича Навоий шаҳар суди томонидан кўриб чиқилиб, ўз қилмишига пушаймонлик билдирганларнинг бир гуруҳи Олий Мажлис Сенатининг мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисидаги қарорига асосан жазодан озод қилинди.

Маруса ҲОСИЛОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

● *Конституция сабоқлари*

Миллат кўзгуси

Ахлоқ, миллий қадриятлар, миллий туйғу халқимизнинг ўзига хос азиз фазилатлари инъикоси

БОШ ҚОМУСИМИЗНИНГ маънавий-тарихий асослари сифатида жаҳон маданияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқнинг буюк мутафаккирлари — Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий каби аждодларимиз қолдирган маънавий-ахлоқий мерослари намоён бўлмоқда. Уларнинг инсонни маънан комилликка чорловчи илму тафаккур дурдоналари Конституциямизнинг теран мазмун-моҳиятига юксак руҳ бағишлаган, десак муболаға қилмаймиз.

АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗДА халқимизга хос хусусиятлар, инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари, меҳр-оқибат, одамийлик, ўзга миллат ва элатларга ҳурмат, ақл-заковатга интилиш каби эзгу фазилатлар мужассам.

4-моддада: **"Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади"** деб белгиланган.

1989 йилнинг 21 октябрида она тилимизга давлат тили мақомининг берилиши истиқлолимиз сари қўйилган энг муҳим қадамлардан бири эди. Конституциямизда ўзбек тили давлат ҳимоясига олинган. Тил — ҳар бир миллат ўзлигининг ажралмас белгиси. Халқимизда "Тилга эътибор — элга эътибор" деган ҳикматнинг пайдо бўлиши бежиз эмас.

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат, элат яшайди ва юртимизда истиқомат қилувчи барча миллатларнинг миллий маданиятлари, урф-одатлари, анъаналари ва тилларига ўзаро ҳурмат муносабатида бўлиш конституциявий талаблардан ҳисобланиб, бунинг учун кенг ва етарли шарт-шароитлар яратилган.

Хусусан, 1992 йилдаёқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилгани бунга мисол бўлади. Ўша пайтда 12 та миллий-маданий марказ фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти бугунги кунда юздан ортиқ марказлар ишини мувофиқлаштириб келмоқда.

3

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 60 йиллигига бағишлаб, Адлия вазирлиги, Республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида "Аёлларга нисбатан зўрликни бартараф этиш халқаро куни" мавзуида конференция бўлиб ўтди.

АНЖУМАННИ Адлия вазирининг биринчи ўринбосари А.Аҳмедов бошқарди.

Маълумки, 1999 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 25 ноябрь куни жаҳонда "Аёлларга нисбатан зўрликни бартараф этиш халқаро куни" деб эълон қилинган эди.

● *Бугун — Аёлларга нисбатан зўрликни бартараф этиш Халқаро куни*

Аёллар ҳуқуқи ҳимояда

Ўзбекистон томонидан 1995 йили БМТнинг "Аёлларга нисбатан камситишнинг ҳар қандай шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенциясининг ратификация этилиши ушбу йўналишдаги ҳуқуқий асосларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларининг кафолатлари Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ва Оила кодексларида белгилаб берилган. Бугунги кунда юртимизда аёлларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш бўйича алоҳида тизим ишлаб турибди. Бу борада қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларининг ҳаётга тўла татбиқ этилаётганлиги юртимиз аёлларига кўрсатилаётган эътиборнинг ёрқин намунасидир.

Аёлларнинг жамиятда тутган ўрни, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Хотин-қизлар қўмитаси катта ўрин тутади. Иқтисодий соҳаларда аёллар фаоллигини ошириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилган "Тадбиркор аёл" Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциацияси самарали иш олиб бормоқда.

Сайлов тўғрисидаги қонунчилигимизда ҳам аёлларнинг сайлаш ва сайланиш ҳуқуқи белгиланган бўлиб, Олий Мажлис палаталари, халқ депутатлари Кенгашларида хотин-қизлар муносиб ўрнига эга эканлигини таъкидлаш жоиз.

2

● *Анжуман*

ОАВ: мустаҳкам қонуний асослар

МАМЛАКАТИМИЗДА оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ОАВнинг демократик жамиятимиз ҳаётидаги изчил иштирокини таъминлашга асос бўлмоқда.

БУГУНГИ КУНДА республикамизда 1103 та оммавий ахборот воситалари мавжуд, шундан 694 тасини газеталар ташкил этади. Мустақил юртимизда ОАВнинг эркин фаолият юритиши соҳага оид амалдаги қонунларимиз билан мустаҳкамланган. Яқинда **Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида** ўтказилган матбуот анжумани **"Оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа корхоналари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилиши"** мавзуига бағишланди. Агентлик вакиллари, ОАВ, нашриётлар ва матбуот корхоналари ходимлари иштирок этган. Мазкур анжуманни Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори Бобур **АЛИМОВ** бошқарди.

Конференцияда сўзга чиққан агентликнинг масъул ходимлари мавзуга оид таҳлилий фикр-мулоҳаза юритдилар. Хусусан, **"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"**, **"Реклама тўғрисида"**, **"Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида"**ги қонунларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, мавжуд қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишда ушбу агентлик томонидан ўз ваколати доирасида амалга оширилаётган зарур чора-тадбирлар ҳақида тўхталдилар.

Матбуот анжуманида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олишди, шу билан бирга газета-журналлар, нашриёт ва матбаа корхоналари ишини янада яхшилашга оид таклиф-мулоҳазалар билдирдилар.

Дилором МАТКАРИМОВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

● *Семинар*

Судьялар Сенатда

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази томонидан тингловчиларнинг назарий ва амалий билимларини ривожлантириш мақсадида турли давлат органлари билан ҳамкорликда тадбирлар ва учрашувлар ўтказилмоқда.

7



Аёллар ҳуқуқи ҳимояда

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Вазирликлар ва идоралар, жамоат ташкилотлари томонидан аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жабҳаларида самарали иштирокини таъминлаш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, хотин-қизлар орасида учраётган салбий ҳолатларни келтириб чиқараётган омиллар Адлия вазирлиги томонидан комплекс ўрганилиб, уларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Шунингдек, тегишли давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлар ҳамда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда ёш оилалар тотувлигини мустаҳкамлаш, оилада ва жамиятда соғлом ижтимоий-маънавий муҳитни шакллантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини, билим ва малака даражасини ошириш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида бир қатор учрашув ва семинарлар ўтказилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 февралдаги фармойишига асосан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилишининг ҳолатини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳи ташкил этилди. Ушбу гуруҳ томонидан БМТнинг аёллар камситилишининг барча турларига барҳам бериш бўйича тавсиялари асосида Миллий ҳаракат режаси тасдиқланган.

Анжуман якунида билдирилган фикр ва мулоҳазалардан келиб чиқиб, бу борадаги ишларни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилди.

Адлия вазирлиги Ахборот хизмати

Кадрлар тайёрлаш сиёсати

тараққиётимиз мезони

(Давоми. Боши биринчи бетда)

1997 йил "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" қабул қилинди ва бундан кўзланган мақсад таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг миллий тизимини яратиш эди.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури"га баҳо бериб, уни амалга оширган тақдирда:

биринчидан, ижтимоий-сиёсий иқлимга ижобий таъсир қилади ва натижада мамлакатимиздаги мавжуд муҳит бутунлай ўзгаради;

иккинчидан, таълимнинг янги модели ишга тушгач, инсоннинг ҳаётда ўз ўрнини топиш жараёни тезлашади. Ҳар қандай одам ҳам ўсмирлик чоғида, эндигина вояга етиб келаётган жамиятдан муносиб ўрнини топиши керак", деган эди.

Миллий дастурнинг мақсад ва вазифалари Миллий дастурнинг ўзида белгиланган босқичларда амалга оширилди.

Биринчи босқич (1997-2001 йиллар) да таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратишни инобатга олиб:

— 1997 йил 29 августда янги таҳрирда «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Таълим тизимининг мазмуни ҳуқуқий жиҳатдан қайта қурилди ва тубдан янгиланди;

— таълим муассасалари фаолиятига баҳо беришнинг рейтинг тизими, кадрлар тайёрлаш сифати ва уларга бўлган эҳтиёжнинг мониторингини олиб бориш тизими ишлаб чиқилди ва жорий этилди;

— таълим олувчиларнинг юксак тайёргарлик даражаси, малакаси, маданий ва маънавий-ахлоқий савиясининг сифатига нисбатан қўйиладиган зарур талабларни белгилаб берувчи давлат таълим стандартлари яратилди ва жорий этилди;

- ўрта махсус, касб-ҳунар таълими учун зарур моддий-техника, ўқув-услубий ва кадрлар базаси тубдан янгиланди ва бу борадаги ишларимиз ҳали давом этмоқда;

— таълим ва кадрлар тайёрлашга бюджетдан ташқари маблағлар жалб этишнинг механизмлари такомиллаштирилди, давлат таълим муассасалари билан бир қаторда нодавлат таълим муассасалари ҳам ривожлантирилмоқда.

Иккинчи босқич (2001-2005 йиллар)да Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш билан бирга, реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олиб, унга аниқликлар киритишни назарда тутган ҳолда:

— барча бўғиндаги таълим муассасаларининг моддий-техника ва ахборот базасини мустаҳкамлаш давом эттирилди, ўқув-тарбия жараёни юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминланди. Узлуксиз таълим тизимини ахборотлаштириш амалга оширилди;

— кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури" ҳам амалга оширилмоқда;

— таълим муассасаларини махсус тайёрланган малакали педагог кадрлар билан тўлдириш таъминланди ва ҳозирги кунда уларнинг фаолиятида рақобат муҳитини вужудга келтириш шакллантирилмоқда.

Учинчи босқич (2005 ва ундан кейинги йиллар)да тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асосида, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий юксалтириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш янада ривожлантирилаяпти;

— таълим муассасаларининг ресурс, кадрлар ва ахборот базалари янада мустаҳкамланяпти, ўқув-тарбия жараёни янги ўқув-услубий мажмуалар, илғор педагогик технологиялар билан тўлиқ таъминланаяпти;

— олий таълим муассасаларини қарор топтириш ва ривожлантириш амалга оширияпти. Касб-ҳунар таълими муассасаларининг мустақил фаолият юритиши ва ўзини ўзи бошқариши шакллари мустаҳкамлантирилмоқда;

— таълим жараёнини ахборотлаштириш мақсадида узлуксиз таълим тизими жаҳон ахборот тармоғига уланадиган компьютер ахборот тармоғи билан тўлиқ қамраб олинмоқда.

Бугунги кунда таълим соҳасида эришган ютуқларимиз сарҳисобини қиладиган бўлсак, мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар кўлами ярим асрга татигулик воқелик бўлганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, юртимизда таълим соҳасига йўналтирилаётган харажатлар ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида 12 фоиздан ортади. Ҳолбуки, жаҳон тажрибасида бу кўрсаткич 3-5 фоиздан ошмайди.

Шуни ишонч билан айтиш мумкинки, таълим-тарбия ва илм-фан соҳасига сарфланаётган маблағлар мамлакатимиз келажагининг эгаси бўлган ёш авлодни, юксак интеллектуал салоҳиятли жамиятни шакллантириш йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилади.

Даврон АҲМЕДОВ, юридик фанлар доктори

Ижтимоий-сиёсий жараён

БУХОРО ШАҲРИДАГИ 6-сонли ўрта умумтаълим мактабида фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари сайлови юзасидан учрашув ўтказилди.

Сўзга чиққанлар фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жамиятимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирлардан бири эканлиги, ушбу сайлов ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилиши учун жойларда ишчи гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилганлиги, мазкур сайлов ижтимоий-сиёсий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни янгича мазмун билан бойитиши баробарида, жамиятни эркинлаштириш жараёнини янада чуқурлаштиришга, демократик қадриятларнинг жамият ҳаётида янада кенг қулоч ёйиши ва илдиз отишига, энг муҳими, ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётидаги ролини янада кучайтиришга хизмат қилишини айтиб ўтдилар.

Маҳфуза НОРОВА, Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

● *Сайлов ва сайловчи*

Демократиянинг ёрқин ифодаси

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ОЛДИДАН

(Давоми: Боши ўтган сонларда)

— Бюллетенлар овоз берувчи томонидан қандай тартибда тўлдирилади?

— Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчиларини сайлаш бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш хонасида тўлдирилади. Овоз берувчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг бюллетендаги фамилиясини ўчиради.

— Овоз бериш бюллетенлари овоз берувчи томонидан тўлдирилгач кимга қайтарилади?

— Овоз берувчи томонидан овоз бериш бюллетени махсус тайёрланган ва комиссия томонидан муҳрланган сайлов қутисига ташланади.

— Сайлов қутиси ким томонидан очилади?

— Сайлов қутилари овоз бериш тугаганидан кейин фақатгина саноқ комиссияси томонидан очилади.

— Овоз бериш натижалари қандай аниқланади?

— Овозлар саноқ комиссияси томонидан, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ёки унинг маслаҳатчилари вазифасига ҳар бир номзод бўйича санаб чиқиш йўли билан аниқланади.

(Давоми бор)

Саволларга Адлия вазирлиги ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси бошлиғи Абдукамол РАҲМОНОВ жавоб берди

● *Маҳалла — аҳиллик қўрғони*

Ҳамжиҳатликда ҳикмат кўп

Ўзини ўзи бошқариш органлари: ҳуқуқий асослар ва вазифалар

ХАЛҚИМИЗДА азалий қадрият ҳисоблаб келинган маҳаллалар истиқлол йилларида тўлақонли институт, алоҳида ҳуқуқ субъекти бўлиб шаклланди. Бу институт ўзини ўзи бошқариш органлари тарзида Конституциямизнинг 105-моддасида алоҳида тизим сифатида қайд этилган.

МАҲАЛЛА институтининг фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришдаги аҳамияти хусусида сўз юритганда, биз мазкур институтнинг жамиятимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришдаги ўрнини характерловчи қуйидаги жиҳатларни таъкидлашимиз мумкин.

Аввало, ўзини ўзи бошқариш органининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги фаолияти деганда, фуқароларнинг Конституция ва қонунлар билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлардан ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолияти тушунилади. Юртимиздаги шаҳарлар, қишлоқлар, овуллар, маҳаллалар фуқаролар ўзини ўзи бошқаришининг ҳудудий бирликлари ҳисобланади.

Ўзини ўзи бошқариш органларини шакллантиришда, уларнинг мансабдор шахсларини сайлаш ва фаолиятини назорат қилишда демократик тамойилларнинг эътироф этилганлиги муҳим аҳамият касб этади. Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (вакиллар йиғилиши) орқали амалга оширадилар.

"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонунда мазкур органларнинг ваколатига кирадиган кўпгина масалалар белгилаб қўйилган.

Оммавий-сиёсий, маънавий-маърифий, маданий, спорт ва бошқа тадбирларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашиш;

фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриши;

тарбияга оид масалалар юзасидан таълим муассасалари билан ҳамкорлик қилиши, икки ёшга тўлмаган болалари бор ишламайдиган оналарга нафақаларни шу мақсадда ажратилган давлат бюджети маблағларидан белгиланган тартибда тайинлаши ва тўлаши;

бошқаларнинг парвариш ва ёрдамига муҳтож кекса фуқароларга шафеълик (патронажлик) ёрдами шу мақсадда ажратилган давлат бюджети ҳисобидан кўрсатилишига кўмаклашиши;

фуқароларни иш билан таъминлашга, шу жумладан, касаначиликни ташкил этишга кўмаклашиши;

жамоатчилик ёрдамини, ҳашарларни уюштириши;

кўриклар ҳамда танловлар ўтказиши ва бошқа шу каби вазифалар шулар жумласига киради.

Ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролар ўзларининг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва шахсий ҳуқуқларини демократик тарзда амалга оширишларининг муҳим воситаларидан биридир, десак янглишмаймиз. Табиийки, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг изчил фаолият юритиши фуқаролар йиғини кенгашига, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларга, тафтиш комиссияларига, маъмурий комиссияларига, фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва уларнинг маслаҳатчилари, маҳалла посбонлари вазифаларига катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, жамоат ўртасида обрўси бор, ишбилармон, билимли ва тажрибали фуқароларни танлаш ва сайлашга боғлиқ жараёндир.

Шу билан бирга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ишини ташкил этишда ҳокимликларнинг, ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларнинг, қолаверса, корхона, ташкилот, муассасалар ва мансабдор шахсларнинг кўмак кўрсатиши, қўллаб-қувватлаши ҳам муҳим.

Қоржов ЧОРИЕВ, Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

Кўргазмали семинар

НАМАНГАН ВИЛОЯТИнинг Уйчи туманидаги қишлоқ хўжалиги ва касб ҳунар коллежида бўлиб ўтган учрашувда умумбашарий қадриятларни ўз ичига олган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниш тарихи, мазмун-моҳияти, халқаро аҳамияти тўғрисида фикр алмашилди.

Шунингдек, **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонуннинг мазмун-моҳияти ва мақсади, ёш авлодни ҳуқуқий ҳимоя қилишдаги ўрни ва аҳамияти хусусида маърузалар тингланди.

Учрашув давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони ижросига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 16 йиллиги муносабати билан инсон ҳуқуқларини акс эттирувчи махсус плакатлар ва китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Учрашув сўнгида БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан тақдим этилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қабул қилиниш жараёни ҳақидаги фильм намойиш этилди.

Доно РАҲИМБАЕВА, Наманган вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

● *Талқин*

Масъулият ҳисси

Давлат хизматчилари ва маъмурий-ҳуқуқий муносабатлар

"ЖАМИЯТДА ҲУҚУҚИЙ маданиятни юксалтириш Миллий дастури"да аҳолининг, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш борасидаги вазифаларга катта эътибор қаратилган. Ушбу Миллий Дастур ижроси бўйича амалга оширилган хайрли ишларга Адлия вазирлиги Тошкент юридик коллежи жамоаси ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Коллежимизни битирган ёшлар асосан ҳуқуқ-тартибот идораларида давлат хизматчилари орасида ишлашади. Шу маънода давлат хизматчиси деган тушунча ҳақида сўз юритмоқчимиз.

ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ — бу давлат ташкилотида белгиланган тартиб бўйича бирон-бир мансабни эгаллаб турган ҳамда давлат хизматини амалга оширадиган шахсдир. Давлат хизматчилари тўрт гуруҳга бўлинади: ёрдамчи ходимлар, мутахассислар, мансабдор шахслар, ҳокимият вакиллари. Мансабдор шахслар билан ҳокимият вакиллари давлат ҳокимият ваколатига эга бўлган давлат хизматчилари ҳисобланишади. Мансабдор шахслар доирасига ҳуқуқий акт қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлмаган, лекин юридик аҳамиятга эга турли ҳаракатларни амалга оширадиган мутахассислар ҳам киради.

Мансабдор шахслар маъмурий-ҳуқуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ёки тўхтатилишини таъминлайдилар. Бундай юридик ҳаракатларнинг таркиби ҳар хил бўлиб, бу давлат хизматчисининг ишлаб турган лавозимига боғлиқ.

Ҳокимият вакили эса мансабдор шахсларнинг алоҳида гуруҳи бўлиб, улар давлат номидан ҳокимият талабларини кўрсатиш ҳуқуқига эга. Ҳокимият вакиллари ўзларига хизмат юзасидан бўйсунмаган шахсларга ҳам бажарилиши шарт бўлган фармойиш беришга ҳақли. Бу гуруҳга давлат назоратчилари ҳам киради.

Амалдаги қонунларга мувофиқ хизмат вазифаларини бузгани учун давлат хизматчилари жиноий, маъмурий, моддий ва интизомий жавобгарликларга тортилади. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддасида мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш асослари белгилаб қўйилган. Унга кўра, мансабдор шахслар бошқарув тартибини, давлат ва жамоат тартибини сақлаш, табиий муҳитни, аҳоли соғлиғини муҳофаза қилиш соҳасида белгиланган ва бажарилишини таъминлаш хизмат вазифалари доирасига кирадиган бошқа қоидаларга риоя этмаслик билан боғлиқ маъмурий ҳуқуқбузарликка йўл қўйганда маъмурий жавобгарликка тортилишлари лозим. Мансабдор шахсларга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликлари учун маъмурий жазонинг фақат битта тури — жарима қўлланилади.

Мазкур кодекснинг 193-моддасида давлат идоралари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идораларининг, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар олдидаги ўз вазифаларини бажармаслиги, уларнинг ишига тўсқинлик қилиши, атайлаб сохта маълумот бергани, депутатлик фаолиятининг кафолатларини бузганликлари учун мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима жазоси белгилаб қўйилган.



Давлат хизматчиларининг бошқа гуруҳларига кирувчи шахслар мутахассислардир. Бу гуруҳга муҳандислар, шифокорлар, агрономлар, кутубхоначилар ва бошқалар киради. Улар одатда юридик ҳаракат билан бевосита шуғулланмасалар-да, қонунда рухсат берилган ҳолларда мутахассисларнинг фаолияти юридик аҳамиятга молик натижаларга олиб келиши мумкин. Шунда қонун бузилиш ҳолатлари оқибатида давлат хизматчилари маъмурий жавобгарликка тортиладилар.

Ҳозирги кунда давлат хизматчилари томонидан содир этилаётган ғайриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизликларнинг аксарияти маъмурий жавобгарликка тортишга асос бўлаётгани кузатилади. Мансабдор шахслар, ҳокимият ваколатларига эга бўлганликлари учун, улар томонидан содир этилган ғайриҳуқуқий ҳаракат ёки ҳаракатсизлик бошқа шахслар содир этган ҳуқуқбузарликларга нисбатан кўпроқ зарар етказиши мумкин. Шу боис, мансабдор шахсларнинг содир этган ҳуқуқбузарликлари учун уларга бошқа шахсларга нисбатан жарима жазоси оширилган тарзда белгиланади.

Наталия ТЕМИРОВА, Адлия вазирлиги Тошкент юридик коллежи директори



Автомототранспортдан фойдаланиш

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 16 октябрдаги "Автомототранспорт воситалари билан боғлиқ битимлар тузишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 229-сонли қарори юзасидан семинар-машғулот ўтказилди.

Унда Вазирлар Маҳкамасининг «**Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**»ги (2006 йил 7 март) қарори билан белгиланган тартиб 2008 йил 1 декабрдан бошлаб юридик ва жисмоний шахслар ўртасида тузиладиган автомототранспорт воситалари рентаси, улардан бепул фойдаланиш, уларни гаровга қўйиш ва лизинг шартномаларини тасдиқлашга ҳам жорий этилиши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 229-сонли қарори қабул қилиниши муносабати билан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган айрим қарорлари ўрганилиб, атрофлича муҳокама қилинди.

Камолиддин ЖАЛОЛИДДИНОВ, Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими

Миллат кўзгуси

Ахлоқ, миллий қадриятлар, миллий туйғу халқимизнинг ўзига хос фазилатлари инъикоси

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Мамлакатимизда истиқомат қилаётган барча миллат ва элатларнинг олий ўқув юртлари ва мактабларда ўз она тилида ўқиши учун кенг имкониятлар яратилгани, кўплаб тилларда газета ва журналлар чоп этилиб, телекўрсатув ҳамда радиоэшиттиришлар олиб борилаётгани ва бошқа шу каби ибратли ишлар бу борадаги самарали фаолиятимизни намоён қилмоқда. Қаердаки миллатлараро тотувлик ғоясининг аҳамияти англаб етилмаса, ўша ерда жамият ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келади ва бу тинчлик, барқарорликка хавф солади. Бугунги кунда жаҳоннинг айрим минтақаларида содир бўлаётган миллий низолар шундан далолат бериб турибди.

Бош қомусимизнинг яна бир ўзига хослиги унинг 66-моддасида акс этган, унда "**Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар**" дейилган.

Болаларнинг ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилиш мажбуриятлари илгари уларнинг ахлоқий мажбурияти бўлиб ҳисобланган бўлса, мустақил республикамиз Конституцияси қабул қилиниши билан бу конституциявий мажбуриятга айланди.

Вояга етган фарзандлар ўз ота-оналари тўғрисида ғамхўрлик қилишга, уларга моддий ва маънавий ёрдам беришга ҳамда кўмаклашишга мажбурдирлар. Улар ота-оналари турмушидан хабардор бўлиб, сиҳат-саломатликларига ҳар доим эътибор беришлари зарур.

Ушбу модда ота-она ва болалар ўртасидаги яқинлик, ғамхўрлик ҳамда меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлайди.

Халқимизнинг азалдан мерос бўлиб қолган қадимий одатларига кўра, ҳаттоки ота ўтирган уйнинг томига чиқиш гуноҳ саналган.

Ҳаётда шундай бўладики, ота-онангга қандай ҳурмат кўрсатиб уларга қандай муносабатда бўлган бўлсанг, болаларинг сенга ҳам шундай ҳурмат кўрсатишади ва шундай муносабатда бўлишади.

Демак, ҳар бир киши ота-онасига бўлган муносабатини тўғри йўлга қўйиши, уларнинг дилини оғритиб қўймаслиги, ҳурмат қилмоғи лозим.

Ўз ота-оналари ҳақида ҳар доим ғамхўрлик қилиш кишининг ота-она олдидаги фарзандлик бурчини ҳамда конституциявий мажбуриятининг бажарилишини таъминлайди.

Акмалхон ИНАНБАБАЕВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

БОШ ҚОМУСИМИЗ янгиликнинг эскилик устидан, эркинликнинг зўравонлик устидан, адолатнинг ҳақсизлик устидан, тараққиётнинг таназзул устидан ғалабасини қонуний муҳрлаган ҳужжатдир.

Тинчлик ва бахт-иқбол тимсоли

КОНСТИТУЦИЯМИЗ бутун қонунчиликнинг умуртқа поғонаси бўлиб хизмат қилиши барчамизга маълум. Давр хусусиятларини, тараққиётнинг янги шароитларини ҳисобга олган Конституция негизидагина бозор иқтисодиётидан келиб чиқувчи ижтимоий муносабатларга ўтишни амалга ошириб бориш мумкин. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **"Конституция — биз учун нафақат муҳим ҳаётий қўлланма, балки ғурур ва ифтихор, керак бўлса шу заминда истиқомат қилаётган миллати, тили, динидан қатъий назар барча инсонлар учун мустаҳкам бир ҳимоядир"**.

Конституция — давлатнинг асосий қонуни, олий юридик кучга эга ҳужжат, деб эътироф этилса-да, унга фақат "қонунлар қонуни" деб баҳо берадиган бўлсак, Конституция моҳиятини тўла англаб етмаган бўламиз. Зеро, давлатимиз Конституцияси янгиликнинг эскилик устидан, эркинликнинг зўравонлик устидан, адолатнинг ҳақсизлик устидан, тараққиётнинг таназзул устидан ғалабасини қонуний муҳрлаган ҳужжатдир.

У инсон ҳаёти ва фаолиятини дахлсизлик тушунчаси билан ҳимоялай оладиган муқаддас манба. Унинг ҳар бир боби, моддасида юртимиз тараққиёти, халқимизнинг эмин-эркин, ҳеч бир тазйиқ ва ташқи таъсирларсиз, озод ва фаровон яшаши тўла-тўкис кафолатланган.

Унда фуқароларнинг ҳуқуқи борасида, инсоний қадр ва эъзознинг бевосита мазмун-моҳияти ифодаланган 7 та боб ҳамда 34 та модда мавжудлиги ҳам фикримизнинг исботидир.

Асосий Қомусимизнинг 13-моддасида шундай дейилган:

"Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади".

Конституциянинг 128 та моддасида ҳам халқнинг манфаатлари бирламчи аҳамият касб этиши ифодаланган. Мисол учун биргина 14-боб 63-66-моддаларини олиб қарайдиган бўлсак, унда оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқи кафолатланиши, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши белгилаб қўйилган. Бу моддаларда оиланинг нақадар муқаддас эканлиги ва ижтимоий ҳимояланганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистоннинг бугун жаҳон ҳамжамиятида ўз овозига эга бўлиши, дунёнинг ривожланган давлатлари орасида ўзига хос мавқени эгаллаши, халқаро майдонда ўз ўрнига эга бўлаётганлигининг сабабини ҳам Конституциямизнинг мукаммал даражада ишлаб чиқилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Ўзбекистоннинг ҳозирги ташқи сиёсати — терроризмга қарши курашдаги ҳаракатлари Конституция меъёрлари доирасида эканлигидан далолат беради. Қонунга асосланмаган ҳаракатлар, инсон ҳуқуқларига совуққонлик билан қараш ижтимоий ларзага ва инқирозга олиб келиши барчага аён бўлган тарихий ҳақиқатдир. Шу боис конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартириш мақсадидаги барча ҳаракатларни давлат суверенитетига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қилинаётган тажовуз деб баҳолаш лозим. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Конституцияси халқимиз танлаган демократик тузумни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қила олади.

Маълумки, инсон учун унинг эркинлиги, мулкий дахлсизлиги ва хавфсизлиги ўта муҳим ва қадрлидир. Шундай экан, инсонни ўз ҳақ-ҳуқуқларига нисбатан бўладиган тажовуз ва адолатсизликлардан ҳимоя қилувчи асосий қонун — Конституцияни ҳар бир инсон ҳурмат қилиши, улуғлаши ва уни муқаддас деб билиш зарур.

Назира ЧОРИЕВА,
Қизирик тумани ФҲДЁ бўлими мудири

● *"Конституция — менинг ҳаётимда" танловига*

Ягона манба

ҲАР ҚАНДАЙ демократик тамойиллар устун бўлган давлатлар сингари бизда ҳам Конституция Бош қомусимиз саналади. Яъни бошқа ҳар қандай норматив ҳуқуқий ҳужжат Конституциядаги нормалардан келиб чиқади. Демократия гарови бўлмиш Конституцияда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир, деб таъкидланади. Демократиянинг луғавий маъноси "халқ бошқаруви" деган тушунчани берар экан, давлат ҳокимияти халқ хоҳиши асосида шаклланади ва халқ иродасини ифода этади.

Конституциянинг иккинчи боби "Халқ ҳокимиятчилиги"га бағишланганлиги ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Конституциянинг 8-моддасида, Ўзбекистон халқини миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади, деб таъкидланган. Демак, мана шу фуқаролар манфаатларини кўзлаб, ваколат берилган органлар давлат ҳокимиятини амалга оширади. Шунингдек, жамият ва давлат ҳаётининг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиши ва умумий овозга (референдумга) қўйилишининг ўзи демократиянинг Конституцияда мустаҳкамланганлиги далилидир.

Конституциянинг 10-моддасида Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайланган Президент иш олиб бориши ва ушбу Президентни Ўзбекистон Республикаси сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролари томонидан сайланиши ҳам ҳокимият халққа тегишлилигини билдиради. Конституцияда назарда тутилмаган тартибда давлат ҳокимияти ваколатларини ўзлаштириш ёки шундай ҳокимият органларини тузиш Конституцияга хилоф ҳисобланади.

Агарда шундай ҳолатлар кузатилса, бу жавобгарликка тортишга асос бўлади. Конституциянинг 12-моддасида республикамиздаги ижтимой ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, деб таъкидланган.

Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади. Демак, ҳар бир фуқаро давлат ҳокимиятининг бир бўлаги сифатида давлат ва жамиятнинг муҳим масалаларини ҳал қилишда асосий куч бўлиб хизмат қилади. Давлат ҳокимияти тизими Конституцияга мувофиқ учга бўлиниб, булар Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ташкил этади.

Қонун чиқарувчи орган депутатлари халқ вакили сифатида сайланган ҳудуд фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларини давлат миқёсида ҳимоя қилиб, уларнинг хоҳиш ва иродасини ифода этувчи қонун ва қонун ости норматив ҳужжатларни қабул қилишади. Мана шу механизм демократиянинг юксак намунаси десак, муболаға бўлмайди.

Конституциянинг 14-моддасида давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади, деб таъкидланиши бежиз эмас. Ушбу модда мазмунига чуқурроқ назар солсак, давлат жамият томонидан тузилган бир ташкилот бўлиб, ўз фаолиятини жамиятнинг ички менталитетга асосланган ва йиллар давомида шаклланган ижтимоий адолатга, шунинг билан бирга амалда бўлган қонунларга асосланган ҳолда амалга оширади. Бу эса, жамиятнинг ҳар бир аъзосининг ҳуқуқ ва эркинликлари бир хилдалигини ва қонун олдида барчанинг тенглигини кафолатлайди.

Ҳасан ОЧИЛОВ,
ТДЮИ ўқитувчиси,
Гулчеҳра ОЧИЛОВА,
ТДЮИ талабаси

● *2008 йил — "Ёшлар йили"*

Юртнинг эртанги тақдири

ёшлар камолотига боғлиқ

РЕСПУБЛИКАМИЗДА инсон манфаатларини таъминлаш борасида Президентимиз ташаббуси билан изчил ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ барча эзгу орзу-ниятларимизни амалга оширишда, аввалambор, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия топган, демократик жамият қуриш йўлида кенг кўламли ва мураккаб вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим ва ҳал қилувчи масала эканлигини эътиборга олган ҳолда, жорий йилни "Ёшлар йили" деб эълон қилди. Зеро, орзу-ниятлар билан яшаётган ҳар бир фуқаро ўз келажагини фарзандлари камолида кўради. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган юртнинг эртанги тақдири ҳам ёш авлод саодати билан чамбарчас боғлиқ.

Шуни эътироф этиш жоизки, Ўзбекистонда ёшларга эътибор мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошланган. Ўзбекистон Республикасининг **"Таълим тўғрисида"**ги, **"Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"**ги Қонунлар ҳамда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш устувор йўналишлардан бири бўлиб, ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ижодий иқтидори жамият манфаатлари йўлида тўла-тўкис руёбга чиқиши учун ижтимоий-иқтисодий, ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан шарт-шароит яратилмоқда.

"Ёшлар йили"да ёшларимизнинг ўз салоҳиятларини ошириш учун кенг имкониятлар яратилиши ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш борасида мамлакатимизнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳада, айниқса, ҳуқуқ ва қонунчилик соҳасида кенг кўламли ишлар бажарилиши назарда тутилган.

Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, **"Биринчилар қаторида ёш авлодимизнинг манфаатларини таъминлашни кучайтиришга қаратилган ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини бугунги кун талаблари нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқишимиз зарур"** бўлади. Чунки, ёшларни қўллаб-қувватлаш жараёнида мавжуд бўлган бир қанча иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий соҳалардаги қонунларни янгилаш ёки уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

"Ёшлар йили" давлат дастурининг яна бир муҳим жиҳати шундан иборатки, бунда давлат ёшларимизга муайян фойдаланиш имкониятини яратиш билан бир қаторда мажбурият ҳам юклайди. Маълумки, ҳар бир ота-она келажакда фарзандининг камолини кўришни орзу қилади. Шунингдек, ҳар бир ота-она фарзандлари вояга етгач, ўзларига ёрдамчи бўлишини, кексайганда уларнинг ҳолидан хабар олишини истайди. Бу каби миллий қадриятларимиз, ҳатто қонунчилигимизда ҳам ўз аксини топган. Жумладан, ота-онанинг фарзандлари олдидаги мажбурияти ҳақида Конституциямизнинг 64-моддасида: **"Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар"**, дейилган бўлса, 66-моддасида: **"Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар"** деб белгилаб қўйилган.

Бундан ташқари, жорий йилда ушбу соҳада муҳим қонун ҳужжатлари, яъни **"Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонун қабул қилинди ва 2008 йилнинг 8 январидан эътиборан кучга кирди. Бола ҳуқуқлари соҳасидаги муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш йўли билан болаларни, шу жумладан, етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалдаги тизими самарадорлигини ошириш мазкур Қонуннинг асосий мақсади ҳисобланади.

Шодибек МАМАТОВ,
Қашқадарё вилояти адлия бошқармасининг биринчи ўринбосари

Коллежда давра суҳбати

ВИЖДОН ВА ИЙМОНини унутган айрим кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли баъзи кишилар қулликка, инсон шаъни ва қадр-қимматини поймол этувчи жирканч ишларга гирифтор бўлиб қолмоқдалар. Бунга ўша инсонларнинг сўраб-суриштирмай иш тутишлари, мўмай пул топиш борасидаги ёлғон ваъдаларга ишонишлари ҳам сабаб бўлмоқда. Бу ҳолат сизу биздан ҳамиша ён-атрофимиздагиларга, яқинларимизга нисбатан ҳушёр бўлишни талаб қилади.

Учкўприк туманидаги агросаноат коллежида **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонун ва Юртбошимизнинг **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорининг мазмун-моҳиятига бағишлаб ўтказилган давра суҳбатида ана шулар хусусида фикр юритилди.

Бундай тадбир туманнинг Кенагас, Полосон қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳамда 11-умумтаълим мактабида ҳам бўлиб ўтди.

Боймуҳаммад ЙЎЛДОШЕВ,
Суд департаментининг Учкўприк тумани бўлими ходими

Сайёр семинар

АҲОЛИНИНГ ҳуқуқий маданиятини ошириш, никоҳларни ўз вақтида қонуний рўйхатга олиш, никоҳланувчиларни тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни кучайтириш мақсадида Бухоро вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Шофиркон тумани ҳокимлигида "Никоҳ шартномаси тушунчаси ва мазмуни, уни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш тартиби" мавзуида сайёр семинар ўтказилди.

Сўзга чиққанлар никоҳ шартномаси Ўзбекистон қонунчилиги учун янги амалиёт эканлиги, мазкур шартнома эр ва хотиннинг масъулиятини оширишга, оилаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, қолаверса, оилавий ажримлар сонининг камайишига хизмат қилиши ҳақида сўз юритдилар.

Оила ва никоҳ, уни тузиш, эр-хотиннинг шахсий ва мулкий ҳуқуқларига доир саволларга тушунтиришлар берилди.

Феруза БОЗОРОВА,
Бухоро вилояти адлия бошқармаси ходими

Хорижий инвестиция амалиёти

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида "Ўзбекистон Республикасида хорижий инвестициялар иштирокида корхоналар фаолияти: амалиёт ва муаммолар" мавзуида семинар ўтказилди.

Сўзга чиққанлар республикамиз иқтисодиётини ривожлантириш ва инвестиция кириб келишини рағбатлантириш йўли билан унинг жаҳон иқтисодий тизимидан мустаҳкам ўрин олишига кўмаклашиш, чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурслари ҳамда замонавий технологияларидан оқилона фойдаланган ҳолда иш юритиш, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий механизми, инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида қабул қилинган қарорлар ва уларнинг ижросини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтдилар.

Қаҳрамон МИРЗАЕВ,
Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими

● *Одам савдоси: трансмиллий жиноят*

Жабрланувчилар ҳуқуқий ҳимояси

қонун ҳужжатлари асосида кафолатланади

МАЪЛУМКИ, бугунги кунда дунёда аёллар ва болалар билан боғлиқ жиноятлар кўлами ортиб бормоқда. Шу маънода одамларни турли мақсадларда эксплуатация қилишнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ортгани, бундай қилмишларнинг уюшган жиноий гуруҳлар томонидан содир этилаётгани, бу жиноятдан кўпинча аёллар ва болалар жабр кўраётгани унга қарши кураш чораларини кучайтиришни тақозо этмоқда.

БМТнинг халқаро жиноятларнинг олдини олиш Маркази экспертларининг маълумотларида қайд этилишича, одам савдосидан келиб тушган даромаднинг жаҳондаги айланмаси бугунги кунда 12 миллиард АҚШ долларини ташкил этмоқда.

Мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш ва унга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Олий Мажлис Сенати томонидан 2008 йил 17 апрелда **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонуннинг маъқулланган ва амалга киритилгани мамлакатимизда бу иллатга қарши курашиш баробарида бундан жабрланганларни ҳимоялашнинг ҳуқуқий асосларини яратди. Мазкур Қонунда одам савдосига қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссиялар ҳамда бундай жиноят қурбонларини ҳимоялаш ва уларга ёрдам кўрсатиш масалалари алоҳида белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Президентимиз томонидан 2008 йил 8 июлда қабул қилинган **"Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори билан юқоридаги қонун нормалари амалга тадбиқ этилди, Республика Идоралараро комиссияси тузилди. Мазкур комиссиянинг таркиби ва Миллий тадбирлар режаси тасдиқланди.

Мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб борилаётганлигининг далилидир.

Самарқанд вилоятида ҳам бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонун, Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги **"Одам савдосига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича чоралар тўғрисида"**ги Қарорининг мазмун-моҳиятини тарғиб қилиш бўйича 2008 йилга мўлжалланган идоралараро, яъни, вилоят адлия бошқармаси, вилоят прокуратураси, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича вилоят судлари, вилоят ички ишлар бошқармаси ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази Самарқанд вилояти бўлими томонидан Кўшма тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, ижрога қаратилди. Вилоят ҳокимлигида одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссиясининг Низоми, **"Одам савдосига қарши курашиш бўйича вилоят идоралараро комиссияси"**нинг 2008 йил 5 августдаги 1-сонли йиғилишида 2008-2010 йиллар давомида одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш бўйича вилоятдаги идоралараро комиссиянинг доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳининг таркиби тасдиқланди ва муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Ўтган давр мобайнида оммавий ахборот воситалари орқали 9 марта чиқиш қилинди, 31 марта семинар йиғилишлар ўтказилди.

Мазкур тарғибот тадбирларида жабрланувчиларни аниқлаш ва уларни қутқариш учун биринчи навбатда қилиниши лозим бўлган чораларни кўриш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг бу борадаги фаолиятига кўмаклашиш каби вазифаларни ва маҳаллий ҳокимият вакиллари, нодавлат ташкилотлари Қонун талабларидан келиб чиқиб ўз фаолиятларини юритишлари борасида кенг тушунтиришлар берилгани алоҳида ўрин тутиб, келгусида ижобий натижа бериши муқаррар.

Комилжон БАХРИТДИНОВ,
Самарқанд вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари

Мазкур қўшсаҳифа Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунийликни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий тарғибот ишлари юзасидан ҳамкорлик прокуратуралари фаолияти

● *Прокурор назорати*

Масала алоҳида эътиборда

чора-тадбирлар белгиланмоқда

"ОДАМ САВДОСИГА қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун ҳамда Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва Республика Идоралараро комиссияси йиғилишининг 1-сонли қарорлари ижросини таъминлаш бўйича Сурхондарё вилояти ва барча шаҳар-туман ҳокимликларида ташкил қилинган идоралараро комиссиялар 2008-2010 йилларга мўлжалланган тадбирлар режаси асосида фаолият олиб бормоқда.

2007 ЙИЛНИНГ 10 ойида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан одам савдоси билан боғлиқ 14 та жиноят иши қўзғатилган бўлса, жорий йилнинг шу даврида бу рақам 19 тани ташкил қилди. Бу жиноятлар асосан, Қумқўрғон, Жарқўрғон, Ангор, Термиз, Музработ, Денов ва Узун туманларига тўғри келади.

Жиноят ишлари юзасидан олиб борилган тергов ҳаракатлари натижасига кўра, 8 нафар шахсга нисбатан 6 та жиноят иши айблов хулосаси билан судларга юборилиб, 5 нафар айбланувчига нисбатан қўзғатилган 4 та жиноят иши қидирув асослари билан ҳаракатдан тўхтатилган, 9 та жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Жумладан, Қизириқ тумани, "Шодлик" маҳалласида яшовчи фуқаро Ливия Абдуллаева Қизириқ туманида яшовчи фуқаролар А.Искандаров, Б.Искандаровни алдаш йўли билан 20.000 Россия рублида иш ҳақи берадиган ишга жойлаштираман, деб уларни ёллаб, 2007 йил 19 март куни Россия Федерациясининг Липецк шаҳрига олиб бориб, уларнинг фуқаролик паспортларини олиб қўйиб, "Дима" исмли фуқарога сотиб юборган, натижада улар 8 ой давомида мажбурий меҳнатга жалб қилиниб, ҳеч қандай иш ҳақи олмаганлар.

Бундан ташқари, у жорий йилнинг 2 мартида Қизириқ туманида яшовчи фуқаролар Б.Искандаров, Б.Бўриев, О.Бўриев, А.Қурбонов, О.Тожиевларни ҳам алдаш йўли билан 20.000 Россия рубли ва 500.000 ўзбек сўмида иш ҳақи берадиган ишга жойлаштираман, деб уларни ёллаб, яна Липецк шаҳрига олиб боради ва "Авик" исмли фуқарога сотиб юборади, натижада улар 6 ой давомида ҳар хил ишларга мажбурий жалб қилиниб, улардан икки нафари иш ҳақи олмасдан июлда Ўзбекистонга қайтиб келган. Фуқаролар О.Бўриев, А.Қурбонов, Б.Рўзиев, О.Тожиевлар эса ҳозирги кунга қадар Липецк шаҳридан пул ва паспорти йўқлиги сабабли келолмаётганлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг Қизириқ тумани бўлими томонидан 2008 йил 23 сентябрь куни Л.Абдуллаевага нисбатан Жиноят кодексининг 135-моддаси, 2-қисми, "б,з" бандлари билан жиноят иши қўзғатилиб, жиноят иши бўйича тергов ҳаракатлари Қизириқ тумани ИИБ томонидан олиб борилмоқда.

Шунингдек, яқинда Термиз тумани, "Намуна" маҳалласида яшовчи 5 нафар фуқаро Термиз тумани ИИБ бошлиғи номига ариза билан мурожаат қилиб, Ангор туманида яшовчи Муҳамадқули Юлбарсов 2008 йил 14 июнь куни уларнинг фарзандларини "600 АҚШ доллари миқдорида иш ҳақи берадиган ишга жойлаштираман", деб алдаш йўли билан "Нурлан" ва "Уркен" исмли шахсларга сотиб юборганлигини баён этган ва М.Юлбарсовга нисбатан чора кўришни сўраган.

Ушбу ариза юзасидан ўтказилган текширув натижалари бўйича Термиз тумани ИИБ терговчиси Б.Шоймардонов томонидан М.Юлбарсовга нисбатан Жиноят кодексининг 135-моддаси, 2-қисми, "з" банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Ҳозирда бу турдаги жиноятларни содир этганлиги учун олдинги йиллар билан биргаликда 5 нафар шахс қидирувда бўлиб, уларнинг 1 нафари Термиз шаҳар, 1 нафари Ангор ва 3 нафари Музработ тумани ИИБ томонидан қидирилмоқда.

Бундай жиноятнинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф этиш ва одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича жойлардаги ўзини ўзи бошқариш органларига тақдимномалар киритилиб, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш чоралари кўрилмоқда.

Шунингдек, одам савдоси билан боғлиқ мурожаатларни кўриб чиқиш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бундай жиноятнинг қурбони бўлиб қолмаслик ва унинг оқибатлари мавзуларида вилоят прокуратураси ҳамда барча туман-шаҳар прокуратура ходимлари томонидан аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ва тарғибот тадбирлари амалга оширилмоқда, бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан унумли фойдаланилмоқда.

Ўтказилган тарғибот тадбирлари давомида Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимияти мамлакатимиз ҳудудида ҳам, унинг ташқарисида ҳам ўз фуқароларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва уларга ҳомийлик кўрсатишни кафолатлаши, инсон ҳуқуқлари, айниқса, одам савдосидан жабрланганларни ҳимоя қилиш, жиноятнинг бу кўринишига қарши курашувчи давлат органлари изчил фаолият олиб бораётгани хорижий давлатларда эса Ташқи ишлар вазирлигининг тузилмалари, консуллик муассасаларининг фаолияти тўғрисида атрофлича тушунтиришлар берилмоқда.

Дилмурод АБДУРАҲМОНОВ,
Сурхондарё вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2003 йил 5 августдаги "Электр ва иссиқлик энергияси учун ҳисоб-китоб қилиш интизомини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президентимизнинг 2005 йил 11 февралдаги "Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг шу санадаги "Коммунал хизмат кўрсатиш соҳаси замонавий ҳисобга олиш приборларини ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этиш дастури тўғрисида"ги, "Электр энергияси истеъмолини барқарорлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижроси юзасидан Сурхондарё вилояти прокуратура органлари томонидан текширишлар ўтказилмоқда.

● *Қаллоблик*

Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш

ўғринча асосда амалга оширилмаслиги лозим

"СУРХОНДАРЁ электр тармоқлари" ОТАЖ ва унинг туманлардаги корхоналари масъул мансабдор шахслари томонидан ҳар бир истеъмолчига етказиб берилган электр энергияси миқдорининг ҳақиқий ҳолати ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмаганлиги оқибатида келиб чиққан эгасиз қарздорликлар асоссиз равишда вилоят ҳудудида фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари ҳисобига ўтказилиб, ундириб олиш чоралари кўрилмоқда.

Хусусан, "Сурхондарё электр тармоқлари" ОТАЖнинг масъул мансабдор шахслари томонидан етказиб берилган электр ҳақи нотўғри ҳисоб-китоб қилинганлиги ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарига асоссиз қарзлар чиқарилиб, электр тармоғидан узиб қўйилаётганлиги ҳақидаги "Сурхонпахтасаноат" вилоят ҳудудий акциядорлик бирлашмасининг 2008 йил 1 июлдаги мурожаати мутахассислар жалб этилган ҳолда мавжуд ҳужжатлар асосида текширилганда 2008 йилнинг 1-ярмида 8 ҳолатда 201 миллион 554 минг сўмлик харажат энергия таъминоти корхонаси томонидан ортиқча кўрсатилиб, бу сумма асоссиз равишда ундириб олинганлиги аниқланди.

Шунингдек, Денов тумани электр тармоқлари корхонаси ва "Хайробод пахта" ОТАЖ ўртасида 2008 йил 1 июль куни тузилган № 06608110013-сонли солиштирма далолатномага асосан "Хайробод пахта" ОТАЖнинг 1 миллион 468 минг сўм ортиқча тўловлари мавжуд бўлишига қарамай, "Сурхондарё электр тармоқлари" ОТАЖнинг мансабдор шахслари мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, 2008 14 июль кунидан "Хайробод пахта" ОТАЖга энергия етказиб беришни асоссиз равишда тўхтатиши натижасида ускуналарни таъмирлашга жалб этилган 220 нафар ишчи ишсиз қолиб, вақтбай иш ҳақи ҳисобланиши оқибатида 20 миллион 843 минг сўмлик моддий зарар етказилган.

Бундан ташқари, "Жарқўрғон пахта" ОТАЖга қарашли ишлаб чиқариш объектлари 48 соат, "Шўрчи пахта" ОТАЖга қарашли объектлар 22 соат мобайнида электр тармоғидан асоссиз равишда тўлиқ ўчириб қўйилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш тўхтаб "Жарқўрғон пахта" ОТАЖга 175 миллион сўм, "Шўрчи пахта" ОТАЖга 82 миллион 151 минг сўм миқдорида зарар етказилган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан вилоят прокуратураси томонидан 2008 йил 5 август куни "Сурхондарё электр тармоқлари" ОТАЖнинг масъул мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноий иш қўзғатилди.

Қизириқ тумани прокуратураси томонидан жорий йилнинг сентябрь ойида ўтказилган текширишлар давомида тумандаги "Сариқ тонги" МЧЖ бошлиғи Қ.Хўжаёров ва "Аббос Сардор" номидаги хусусий корхонаси бошлиғи У.Умаров туман электр тармоқлари корхонаси ходимларининг огоҳлантиришларига қарамасдан электр тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиб, ноқонуний равишда фойдаланиб келганликлари натижасида "Сариқ тонги" МЧЖ бошлиғи Қ.Хўжаёров томонидан 585.900 сўм, "Аббос Сардор" номли хусусий корхона раҳбари У.Умаров томонидан 1.099.980 сўм миқдорида туман электр тармоқлари корхонасига моддий зарар етказилганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан Қизириқ тумани прокуратураси томонидан жорий йилнинг 30 сентябрь куни "Сариқ тонги" МЧЖ бошлиғи Қ.Хўжаёров, "Аббос Сардор" номли хусусий фирма бошлиғи У.Умаровга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 101-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди ва етказилган моддий зарар ундириб олинди.

Денов тумани прокуратураси томонидан 2008 йилнинг 9 ойи давомида жами 421 нафар шахс томонидан электр энергияси ва табиий газдан ноқонуний фойдаланиш ҳолатлари аниқланиб, уларга нисбатан МЖтКнинг 101-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, етказилган 6 миллион 901 минг сўмлик моддий зарарни ундириш ҳақида фуқаролик ишлари бўйича Денов туманлараро судига аризалар киритилди.

Шунингдек, аҳолидан газ тўлови учун йиғиб олинган пул маблағларидан мазкур филиал ходимлари О.Ҳамидов 230 минг сўм, А.Сафаров 160 минг сўм, Т.Қурбонназаров 220 минг сўм, Т.Ҳамраев 200 минг сўм ва С.Сафарова 50 минг сўмни шахсий манфаатлари учун ишлатиб юбориб, талон-торож қилишган.

Ушбу ҳолатлар юзасидан Жарқўрғон тумани прокуратураси томонидан "Жарқўрғонгаз" филиали назоратчиси Қувондиқ Сайилхонов ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган ва тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, Музработ тумани электр тармоқлари корхонасининг масъул ходимлари ўз хизмат вазифаларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида 2008 йил 1 январь ҳолатига аҳолининг истеъмол қилган электр энергияси тўловларидан қарздорлиги 1 миллиард 533 миллион 516 минг сўмни ташкил этган бўлса, 2008 йил 1 июнь ҳолатига бу қарздорлик 1 миллиард 877 миллион 603 минг сўмни ташкил қилган ва 1 январь ҳолатига нисбатан 344 миллион 087 минг сўмга ўсишига йўл қўйилган.

Музработ тумани прокуратураси томонидан туман электр тармоғининг 19 нафар назоратчисига нисбатан меҳнат интизомини бузганлиги учун интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан "Хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда фуқароларнинг газ ва электр тармоқларига ноқонуний уланишининг олдини олиш борасида 2008 йилнинг ўтган 9 ойида ўтказилган текширишларда қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 124 та тақдимнома киритилиб, 439 нафар шахсга интизомий, 507 нафар шахсга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилди, қонуннинг бузилишига йўл қўймаслик ҳақида 70 нафар шахсга огоҳлантирув эълон қилинди. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 19 та жиноят иши қўзғатилиб, аниқланган 43 миллион 446 минг сўм моддий зарарни ундириш бўйича судларга 19 та даъво аризаси киритилди.

Вилоят прокурорининг 2008 йил 30 апрелдаги фармойишига асосан тузилган вилоят, туман ва шаҳар ишчи гуруҳлари томонидан 2008 йилнинг май ва июнь ойлари давомида истеъмолчилардан фойдаланилган табиий газ ва электр энергияси ҳақи сифатида жами 4 миллиард 792 миллион сўм ихтиёрий равишда ундириб олинди.

Жамшид АБДУЛЛАЕВ,
Сурхондарё вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Суратда: *Сурхондарё вилояти прокуратурасининг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Х.Куллиев, бўлим прокурорлари А.Қориев, А.Абдуллаевлар билан келгуси ишларни режалаштирмоқда; вилоят прокурорининг кадрлар бўйича ёрдамчиси Ф.Қурбонов ёш мутахассисларга касб сирларини ўргатмоқда.*

СУРХОНДАРЁ вилояти прокуратураси томонидан уй-жой фондини ва иқтисодиёт тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш мавсумида ишлашга тайёрлаш аҳволи ўрганиб чиқилди.

● *Куз-қиш мавсуми*

Тайёргарлик соз бўлса

ташвиш оз бўлади

АНИҚЛАНИШИЧА, аҳоли хонадонларига кўмир ёқилғисини етказиб бериш бўйича 12800 тонна йиллик режа белгиланган бўлиб, 2008 йил 1 ноябрь кунига қадар 12435 тонна етказилган ва режа 97,1 фоизга бажарилган.

Ижтимоий соҳа муассасаларига, яъни халқ таълими тизими муассасаларига 15000 тонна, соғлиқни сақлаш тизими муассасаларига 5500 тонна, ўрта-махсус касб-ҳунар таълим муассасаларига 1900 тонна жами эса 22400 тонна кўмир ёқилғисини етказиб бериш режалаштирилган эди, ҳозирги кунда ушбу режа 100 фоиз бажарилган.

Шунингдек, вилоятдаги иқтисодий, ижтимоий соҳа ва уй-жой фонди объектларининг 2008-2009 йил куз-қиш даврида барқарор ишлаши учун белгиланган 43 та қозонхона, 38 та қозон, 29 та мактабгача таълим муассасалари, 42 та мактаб, 4 та шифохона, 1 та меҳрибонлик уйи ва 10,7 км. иссиқлик, 11,20 километр сув, 38,2 километр газ тармоқлари мукаммал таъмирланган бўлса-да, 1991 йилгача қурилган уйларнинг 210 тадан 130 таси ҳозирги кунга қадар таъмирдан чиқарилмаган.

Бундан ташқари, жорий таъмирланиши лозим бўлган 613 та мактаб, 3 та махсус мактаб-интернати, 357 та мактабгача таълим муассасаси, 24 шифохона ва 5,8 километр иссиқлик, 15,6 километр сув, 22,2 километр газ тармоқлари, 122 та қозонхона, 242 та қозон таъмирдан чиқарилган, аммо 1018 та уй-жойлардан 366 таси таъмирланмаган.

Вилоят аҳолисининг 2008-2009 йиллар қиш-баҳор мавсумида қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини узлуксиз равишда ва бир меъёрда таъминлаш мақсадида вилоят ҳокимининг жорий йил 28 майдаги 74-сонли қарори ва ушбу қарор асосида шаҳар ва туман ҳокимларининг қарорлари қабул қилиниб, тегишли чора-тадбирлар белгиланган.

Хусусан, мазкур қарорда вилоят "Матлуботсавдо" кооператив ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Сурхондарё озиқ-овқат моллари" ҳудудий улгуржи савдо базаси ва вилоят "Бозор" очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари фаолиятини мувофиқлаштириш бирлашмаси ҳамда шаҳар ва туман ҳокимликлари томонидан жорий йилнинг 1 августидан 1 ноябрь кунига қадар 2008-2009 йиллар қиш-баҳор мавсумида аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш учун 315,1 тонна картошка, 340,5 тонна пиёз, 129,3 тонна сабзи, 74,5 тонна карам, 80,3 тонна мева, 177,0 тонна полиз, 130,8 гуруч ва 138,5 дуккакли дон маҳсулотлари захираси яратилган.

Қозонлар, иссиқлик трассаларини мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими муассасаларига зарур миқдорда кўмир етказилиб берилиши аҳволи ўрганилганда жиддий қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланган.

Жумладан, Узун тумани молия бўлимининг "Халқ таълими муассасаларини молиялаштириш бўлими" мутахассиси лавозимида ишлаб келаётган Абдувоид Мирзаев ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб, туман халқ таълими бўлимига қарашли 15, 18, 21-сонли умумий ўрта-таълим мактабларига белгиланган кўмир ёқилғисини етказиб бермасдан, жами 793 минг 692 сўмлик 26619 кг. кўмир ёқилғисини ўзлаштириб, камомадга йўл қўйган. Мазкур ҳолат юзасидан А.Мирзаевга нисбатан СВОЖЖДЛҚҚ Департаментининг туман бўлими томонидан Жиноят кодексининг 167-моддаси, 2-қисми, "г" банди билан жиноят иши қўзғатилган.

Шунингдек, таълим муассасаларида ўтказилган текширишлар натижаси бўйича туман халқ таълими бўлимига қарашли 52-сонли умумий ўрта-таълим мактабининг директори У.Мўминов мактабгача куз-қиш мавсумига олинган 188 минг 300 сўмлик 6725 кг. кўмир ёқилғисини мактабга олиб бормасдан ўзлаштирганлиги ҳолати юзасидан Узун тумани прокурори томонидан У.Мўминовга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси, 2-қисми, "г" банди билан жиноят иши қўзғатилди.

Ҳозирги кунда ҳар иккала жиноят ишлари бўйича етказилган зарар айбдор шахслардан ундирилиб, туман прокуратураси томонидан дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Шўрчи тумани прокуратураси куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўрилишининг аҳволини текширганда айрим тиббиёт муассасалари масъул ходимлари томонидан ёнилғи маҳсулотлари талон-торож қилинганлиги ҳолатлари аниқланди.

Жумладан, Шўрчи тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли Озод қишлоқ врачлик пунктида хўжалик мудири вазифасида ишлаган Майсара Раҳмонова тиббиёт бирлашмаси хўжалик омбори мудири Панжи Болтаев билан ўзаро жиноий тил бириктириб, ўзининг жавобгарлигида бўлган 160813,8 сўмлик 6000 килограмм кўмирни талон-торож қилиш йўли билан ўзлаштирганлиги аниқланди.

Текширув якуни бўйича фуқаролар М.Раҳмонова ва бошқаларга нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси, 2-қисми, "в" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда. Дастлабки тергов ҳаракатлари давомида етказилган зарар айбдор шахс томонидан тўлиқ қопланди.

Шунингдек, хўжалик юритувчи субъектлар ва фуқароларнинг газ ҳамда электр тармоқларига ноқонуний уланишининг олдини олиш учун тузилган ишчи гуруҳи томонидан жойларда тадбирлар ўтказиш йўли билан айрим улгуржи истеъмолчиларнинг ноқонуний равишда ўзбошимчалик билан табиий газ ва электр энергиясидан фойдаланиб келаётганликлари аниқланди ва 11 та жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари давомида етказилган зарарлар ундириб олинди.

Вилоят прокуратура органлари томонидан мазкур йўналишда ўтказилган текшириш натижалари бўйича 15 та туман ҳокими номига қонунбузилиш, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритилиб, аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари ҳозирда бартараф қилинди.

Алишер ҚОРАЕВ,
Сурхондарё вилояти прокуратураси бўлим прокурори

Саҳифа материалларини газетанинг Сурхондарё вилояти бўйича мухбири Тожиддин РАЗЗОҚОВ тайёрлади.

Бош прокуратураси ўртасида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга, қилиш тўғрисида имзоланган Меморандум асосида Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари бўйича тайёрланди

● *Тарғибот*

Юксак ҳуқуқий маданиятли инсонни тарбиялаш

борасида қиланаётган ишларимиз ҳақида

МАМЛАКАТИМИЗДА барча жабҳаларда, хусусан, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлар, судларнинг ихтисослашуви, судлов сифатини ошириш ва ишларни кўриб чиқиш муддати қисқаришига эришилганлиги таҳсинга лойиқ. Буларнинг замирида инсон ва унинг манфаатлари ҳимояси ётади.

ҚАШҚАДАРЁ вилояти прокуратураси томонидан ҳам қонунчиликни тарғиб қилиш, қонун ижодкорлиги ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бош прокурорнинг 2004 йил 24 июндаги **"Прокуратура органларининг қонунчилик тарғиботи ва қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш борасидаги вазифалари тўғрисида"ги** 29-сонли ҳамда **"Прокуратура органларида қонунларни мужассамлаш ишларини юритиш тартиби ҳақида йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида"**ги 52-сонли буйруқлари ижросини таъминлаш бўйича ҳамда 29-сонли буйруқнинг 1-бандидаги "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида, фуқароларни қонунларга ҳурмат ва қонун устуворлигига ишонч руҳида тарбиялашда иштирок этиш прокуратура органларининг муҳим вазифаси" деб қайд этилганидан келиб чиқиб, бир қатор ишлар амалга оширилди.

2008 йилнинг ўтган 9 ойи мобайнида ўтказилган қонунчилик тарғиботи фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, вилоят прокуратураси органлари томонидан 4687 марта ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди. Бу тадбирларнинг 3937 таси юзма-юз мулоқот ва маърузалар тарзида ўтказилган бўлса, 750 таси оммавий ахборот воситаларида, хусусан, 375 таси матбуотда, 198 таси радио ва 177 таси телевидениедаги чиқишларни ташкил қилади.

Вилоят прокуратурасининг қонунчилик тармоғидаги фаолиятига оид ишларнинг тўғри ва самарали ўтказилишини таъминлаш мақсадида даврий иш режалари ишлаб чиқилган. Ҳафтанинг ҳар шанба куни кадрлар малакасини ошириш мақсадида ўқувлар ташкил қилинаяпти.

Тарғибот ишларини ташкил қилишда қонунийлик ва жиноятчилик аҳволидан келиб чиқиб, ҳар бир шаҳар ва туман ҳудудларининг хусусиятлари инобатга олинди.

Жумладан, вилоятнинг Қарши шаҳрида гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятчилик нисбатан кўп учрайди. Шаҳар прокуратураси, ички ишлар бўлими, МХХ ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллаларда **"Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалари тўғрисида"**ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадида аҳоли билан суҳбатлар ўтказилди.

Шунингдек, вилоятда ҳуқуқий тарғибот самарадорлигини ошириш, тадбиркорликни ривожлантириш, хусусий мулк эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилган фармонлари ижроси юзасидан ҳамда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда қонунийликка риоя этилишини таъминлаш, бу борада назорат органлари ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида жами 117 маротаба ҳуқуқий тарғибот ишлари бажарилди. Жумладан, 22 маротаба матбуотда, 19 маротаба радиода, 12 маротаба телевидениеда чиқишлар қилинди.

"Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги Фармон ижроси юзасидан жами 322 та, шундан матбуот орқали 7 та, радиода 10 та, телевидениеда 7 та, шунингдек, **"Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида"**ги Фармон ижроси бўйича 24 та, шундан матбуот орқали 5 та, радиода 8 та ҳамда телевидениеда 8 та чиқиш қилинди.

Жумладан, вилоят ҳокимлигида 2008 йил 17 апрелдаги **"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"**ги Қонун қабул қилиниши муносабати билан вилоят идораларо комиссиясининг биринчи йиғилиши ўтказилди. Унда комиссиянинг таркиби ва Миллий тадбирлар режаси тасдиқланди. Йиғилишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш, суд, прокуратура ва бошқа давлат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар раҳбарлари иштирок этишди.

Шунингдек, **"Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида"**ги ҳамда **"Ҳакамлик судлари тўғрисида"**ги қонунлар бўйича семинар-тренинглар ўтказилди.

Мустақил юртимизда олиб борилаётган туб ислоҳотларнинг мазмун- моҳияти демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуришдан иборат. Халқимизга ана шу юксак мақсадни содда ва самимий тарзда етказиб бериш эса, албатта, тарғибот тадбирлари орқали амалга оширилади. Зотан, юксак ҳуқуқий маданиятли халқгина эзгу мақсад йўлидан дадил боради.

Лутфия БОЗОРОВА,
Қашқадарё вилояти прокуратурасининг қонунчилик тарғиботи бўйича катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.

● *Амнистия*

Инсонпарварлик, бағрикенглик ифодаси

МАЪЛУМКИ, Олий Мажлис Сенати томонидан 2008 йил 28 августда "Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида" Қарор қабул қилинди.

БУ СУД-ҲУҚУҚ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми, инсон ҳуқуқлари ҳимоясини самарали таъминлашда муҳим омил бўлиб ҳисобланади...

Бу Қарор муқаддам эълон қилиб келинган амнистия актларидан унинг фақат судлар томонидан қўлланиши, жамоатчилик назорати ўрнатилганлиги ҳамда қарорни қўллаш тартиби ҳам Олий Мажлис Сенати томонидан белгилаб берилганлиги ва бошқа жиҳатлари билан фарқ қилади.

Сенатнинг жорий йил 28 август кунги 530-1-сонли Қарори билан тасдиқланган «Амнистия тўғрисида»ги қарорни қўллаш тартиби ҳақидаги Низомда белгиландики, мазкур Қарор кучга киргунга қадар жиноят содир этган ва жазони қаерда ўтаётганлигидан қатъи назар Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан судланган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Қарорнинг 1-бандига асосан (мазкур Қарорнинг 7-бандидаги чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) ўта оғир жиноятлар содир этмаган, биринчи марта содир этган жиноятлари учун судланган ёшидан қатъи назар, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган, эркаклар ва доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикасидан ташқарида бўлган ҳамда озод этилганидан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослари бўлмаган чет эл фуқаролари жазодан озод этиладилар.

Қарорнинг 2-бандига асосан тайинланган жазо тури ва меъёридан қатъи назар, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек, биринчи марта ҳукм қилинган шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар ҳам жазодан озод қилинадилар.

Демак, Қарорнинг 1-бандида алоҳида шахслар доираси инобатга олинган бўлса, иккинчи бандида эса доимо ҳушёр ва огоҳ юрмасдан эҳтиётсизлик билан жиноят қилган ёки оғир ва ўта оғир бўлмаган жиноятлар эътиборга олинган.

Қарорнинг 3 бандида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига алоҳида эътибор берилиб, унга кўра, мазкур Қарор қонуний кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичида жазони ижро этиш ёки яшаш жойидаги даволаш муассасалари тиббий комиссияси хулосаларига асосан белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиладиган оғир касалликка чалинган, деб топилган ҳамда қарор кучга киргунга қадар биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари, деб топилган шахслар жазодан озод қилиниши белгиланган.

Содир этган жиноятининг оғирлик даражаси ва уларга тайинланган жазо меъёридан қатъи назар, озодликдан маҳрум қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган ва ҳукми мазкур Қарор эълон қилингунга қадар қонуний кучга кирган маҳкумлар жазодан озод этилиши қарорнинг 4-бандида кўрсатиб ўтилган.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, Қарорнинг 3 ва 4-банди таъсир доирасига жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, яъни Жиноят кодексининг 97-моддаси, 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахслар тушмайди.

Қарорнинг 5-бандига асосан содир этган жиноятининг оғирлик даражаси ва тайинланган жазо миқдоридан қатъи назар, озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм этилиб, мазкур Қарор эълон қилинган кунга қадар ўталмай қолган жазо муддати уч йилдан кўп бўлмаган шахслар манзил-колонияга ўтказиладилар.

Қарорнинг 6-бандида унинг 1 ва 2-бандида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар Қарорнинг 7-бандидаги чеклашлар ҳисобга олинган ҳолда тугатилиб, бу тоифадаги шахслар жавобгарликдан озод этилаётган бўлса-да, жинояти оқибатида етказилган зарарни ундириш масаласи фуқаролик ишларини судда юритиш тартибида ҳал қилинади.

Бу Қарор кимларга татбиқ этилмаслиги 7-бандда аниқ кўрсатилган бўлиб, бу тартибга кўра, узоқ муддатга ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганларга, ўта хавфли рецидивист, деб топилганларга, жиноий уюшма таркибида жиноят содир этганларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузаётган шахсларга, муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жазодан озод бўлгач, яна қасддан жиноят содир этган шахсларга, шунингдек, ўлим жазоси афв этиш тартибида озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган шахсларга татбиқ этилмайди, унинг 1-банди ўта оғир жиноят содир этган шахсларга татбиқ этилмайди. Қарорнинг 1, 2, 5, ва 6-бандлари тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун судланганларга татбиқ этилмайди.

8-бандга мувофиқ, Қарорнинг 3 ва 4-бандлари тақиқланган ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида тинчлик ва хавфсизликка қарши ёки жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар содир этганлиги учун ҳукм қилиниб, тузалиш йўлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинадилар.

Бунда маҳкумнинг тузалиш йўлига қатъий ўтганлиги алоҳида инобатга олинган бўлиб, бу ҳолат унинг ёши, жинси ва фуқаролигидан қатъи назар, содир этган жиноятидан чин кўнгилдан пушаймонлиги тўғрисидаги аризаси ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан тўлиқ тасдиқланиши лозим.

Маҳкумларга нисбатан амнистия актининг қўлланилиши судлар томонидан кўриб чиқилаётганлиги қонунларимизда белгилаб қўйилган қонунийлик, адолат, инсонпарварлик ва демократизм принципларининг янада мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради.

Рустам ОРТИҚОВ,
Қашқадарё вилояти қамоққа олинганларни сақлаш ва жазони ижро этиш жойларида қонунларга риоя қилиниши устидан назорат бўйича Қарши прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси.

Суратларда: Қашқадарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи Бобур Қурбонов ва бўлим прокурори Эркин Эшонбобоев Қарши шаҳар, Рогузар маҳалла фуқаролар йиғини раиси Гайбулла ҳожи Отабоев билан маҳалла фаолияти ҳақида суҳбатлашмоқда; Қарши шаҳар прокуратураси ташаббуси билан ўтказилган меҳнат ярмаркасидан лавҳа.

● *Ижтимоий ҳимоя кафолатлари*

Туғилмаган болага нафақа

тайинлаш ёхуд фирибгарликка йўл қўйилган айрим ҳолатлар таҳлили

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ "Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида"ги 434-сонли ва "Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 437-сонли қарорлари ижроси Қашқадарё вилояти прокуратурасининг доимий назоратида бўлиб, бу борада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

ЖОРИЙ ЙИЛДА вилоят бўйича кам таъминланган оилаларга 1903,6 миллион сўм, 16-18 ёш болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш юзасидан 22406,6 миллион сўм, 2 ёшга тўлгунча парвариш қилиш учун 23805,4 миллион сўм маблағ молиялаштирилиб, тўловлар амалга оширилди.

Текширишлар давомида икки ёшгача фарзанд тарбияси билан банд, ишламаётган ва бюджет ташкилотларида ишлаётган оналарга нафақа тайинлашда айрим қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Хусусан, Яккабоғ тумани "Қишлиқ" қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан фуқаро Д.Оқбўтаеванинг фарзанди 2006 йил декабрь ойида икки ёшга тўлган бўлсада, 2007 йил январь ойи учун 43640 сўм, М.Зияеванинг фарзандига 188000 сўм ортиқча нафақа пуллари берилган.

Шунингдек, тумандаги "Ҳамза" маҳалла фуқаролар йиғини томонидан ҳам 9 нафар фуқарога Низомда кўрсатилган ҳужжатлари тўлиқ талаб қилиб олинмаганлиги оқибатида 171,2 минг сўм ортиқча тўланишига йўл қўйган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан фуқаролар йиғини раислари Ф.Баратов, М.Раҳматова ва котиблари Э.Рўзибоев ҳамда Ж.Мухторовларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида туман ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

Ўтказилган текширишларда Нишон туманида ҳам мазкур қарор ва Низом талаблари кўпол равишда бузилганлиги ҳолатлари аниқланган.

Хусусан, тумандаги "Дўстлик" МФЙ томонидан 2 ёшгача болали, ишламайдиган оналарга бериладиган нафақа пулларини тайинлаб, тўлашда оиланинг ҳар бир аъзосига тўғри келадиган ўртача даромади белгиланган мезондан ошган бўлса-да, 4 та ҳолатда жами 2.103.240 сўм, 16 ёшгача боласи бўлган оилаларга 16 та ҳолатда 3.352.542 сўм нафақа пуллари ноқонуний тайинланиб, шундан 2.780.502 сўми тўланганлиги оқибатида давлат манфаатларига зарар етказилган.

Маҳалла фуқаролар йиғини мансабдор шахслари тумандаги якка тартибдаги тадбиркор Қ.Тўраев ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, фуқаро О.Ашурова номига сохта иш ҳақи даромадлари кўрсатилган маълумотни асос қилиб, қонунга зид равишда О.Ашуровага 169.008 сўм нафақа тўланган.

Бундан ташқари, 2008 йилнинг 24 апрелида фуқаро Ф.Вайскуловага туғилмаган фарзанди учун нафақа тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиб, ноқонуний равишда 500.760 сўм нафақа тайинлаш йўли билан талон-торож қилинганлиги аниқланиб, мазкур ҳолатлар юзасидан "Дўстлик" маҳалла фуқаролар йиғини мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Шу билан бирга, Муборак тумани ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ходимлар йўриқчиси Ҳ.Кенжаева меҳнат таътили даврида "Машъал" маҳалласида маслаҳатчи сифатида ишлаётганлигини яшириб бир вақтнинг ўзида шу ўқув муассасасидан Адлия вазирлигида 2002 йил 14 март куни 1113-сон билан рўйхатдан ўтган "Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом талабларига зид равишда 313,6 минг сўм нафақа пулларини фирибгарлик йули билан қўлга киритганлиги аниқланган.

Ушбу ҳолат юзасидан ҳам Ҳ.Кенжаевга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Ўтказилган текшириш натижаларига кўра 50 дан ортиқ прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилиб, қонунга зид бўлган ҳужжатларга нисбатан 10 та протест келтирилган, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ваколатли мансабдор шахсларга 10 та тақдимнома киритилган.

Содир этилган қонунбузилишнинг хусусиятига қараб 40 нафар шахснинг интизомий, 1 нафар шахснинг маъмурий ва 4 нафар шахснинг моддий жавобгарликка тортилиши таъминланган. Қўпол қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан 4 та жиноят иши қўзғатилган.

Акмал САЙФИТДИНОВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи ўринбосари, 2-даражали юрист

● *Қонундан четга чиқманг!*

Камчилик бартараф этилаяпти, қонунийлик таъминланмоқда

ШУ ЙИЛНИНГ ўтган 10 ойи мобайнида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижроси юзасидан жами 403 та мониторинг ва таҳлилий текширишлар ўтказилган бўлиб, натижаларига кўра, қонунга зид бўлган ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан 233 та протест келтирилган, қонун бузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида ваколатли мансабдор шахслар номига 484 та тақдимнома киритилган. Шунингдек, содир этилган қонунбузилишларнинг хусусиятига қараб 477 нафар шахсга нисбатан интизомий, 2492 нафар шахсга маъмурий чора кўрилган.

147 ТА ҲОЛАТДА жавобгар шахслардан етказилган зарарларни ундириш бўйича моддий жавобгарлик тўғрисида ишлар қўзғатилиб, **160816 минг** сўмлик зарар ихтиёрий равишда қопланган.

Ўтган давр мобайнида вилоят прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда юридик шахслар ва давлатнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича судларга **803** та **173467 минг** сўмлик, хўжалик судларига **825** та **1829430 минг** сўмлик ариза киритилган. Қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижасига кўра, аниқланган қўпол қонунбузилиши ҳолатлари бўйича **83** та жиноят иши қўзғатилган. Ерлардан оқилона фойдаланиш, ер ажратишда суиистеъмолликларга ва таниш-билишликка йўл қўймаслик прокуратура идораларининг доимий эътиборида турибди. Шу йилнинг 10 ойи давомида ер тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан **28 маротаба** текшириш ўтказилган бўлиб, натижасига кўра, **51** та ноқонуний ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан протест келтирилган. Аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тегишли прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган. Қўпол қонунбузилишлар юзасидан **9** та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари ташкил этилган ва айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланган.

Яккабоғ тумани прокуратураси томонидан ўтказилган таҳлилий текширишда аниқланишича, АТ «Пахтабанк» Яккабоғ тумани бўлими кредитни қайтариш таъминоти учун гаровга мулк олинмасдан ҳамда кредит ажратиш комиссиясида кредит бериш ҳақидаги масала муҳокама қилинмасдан, 2006 йил 12 октябрда «Жаҳонгир Мадад» ММТП МЧЖ билан АТ «Пахтабанк» Яккабоғ тумани бўлими ўртасида йиллик 16 фоиз устама тўлаш шарти билан «ТТЗ-8811» русумли чопиқ трактори, культиватор ва тиркамалар сотиб олиш учун 35.828.000 сўмлик кредит шартномаси тузилиб, ноқонуний равишда берилган.

2006 йил 8 ноябрь куни ушбу кредит маблағидан 17.900.000 сўми «Мароқанд» МЧЖ қурилиш савдо корхонасига 159-сонли шартномага асосан «МТЗ-80-11» русумли трактор ва эҳтиёт қисмлар олиш учун ўтказилган бўлса-да, ҳеч қандай трактор ва эҳтиёт қисмлар олиб келинмасдан, маблағ талон-торож қилинган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан 2008 йил 30 октябрда «Жаҳонгир Мадад» ММТП МЧЖ раиси Д.Тўраев ва АТ «Пахтабанк» Яккабоғ тумани бўлими мансабдор шахсларига нисбатан Жиноят кодексининг 167-моддаси, 3-қисми, «а» банди, 205-моддаси, 2 қисми, «а» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Прокуратура органлари томонидан текширув-назорат идоралари фаолиятининг қонунийлиги устидан мунтазам ва мақсадли назорат ўрнатилишини таъминлаш жуда муҳимдир. Шу мақсадда ҳар чорақда бир маротаба текшириш ўтказилиб, натижасига кўра тегишли прокурор ҳужжатлари қўлланилаяпти ҳамда аниқланган камчиликлар ва қонунбузилишларнинг олдини олиш чоралари кўрилаяпти.

Рустам ҲАЙИТОВ,
Қашқадарё вилояти прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи, адлия маслаҳатчиси

Саҳифа материалларини газетанинг Қашқадарё вилояти бўйича мухбири Ойдин АНОРОВА тайёрлади.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ 2001 йил 22 сентябрдаги 383-сонли қарори билан Адлия вазирлиги ҳузурида суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти ташкил этилди.

● *Ижро интизоми*

Суд департаменти

фаолиятининг ҳуқуқий асослари

ШУНИНГДЕК, суд департаментининг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлаш, суд қарорларининг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш мақсадида Президентимизнинг 2006 йилнинг 31 августида **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарор ижросини таъминлаш мақсадида суд департаменти томонидан ўтган давр мобайнида қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Суд департаментининг ташкилий тузилмаси қайта кўриб чиқилди, унинг таркибида ундирувларнинг турлари бўйича хўжалик судлари, умумий юрисдикция судлари, солиқ, божхона ва бошқа органлар қарорларини ижро этиш бўйича ихтисослаштирилган бўлимлар, ички хавфсизлик инспекцияси, статистика ва таҳлил бўлими ташкил этилди, ҳудудий бўлинмалар тузилмасига тегишли ўзгартиришлар киритилди.

Бу соҳа мутахассисларини тайёрлаш мақсадида олий юридик таълим муассасалари ўқув дастурларига "Ижро иши юритуви" номли мустақил фан киритилди.

Суд департаменти тизимини келгусида малакали кадрлар билан таъминлаш, соҳага ёшларни жалб этиш мақсадида суд ижрочилари туман (шаҳар) бўлимларининг жамоатчи ёрдамчиси лавозими ҳам жорий этилган бўлиб, жамоатчи ёрдамчи сифатида шу соҳада ишлаш истагини билдирган, олий ёки ўрта махсус юридик маълумотга эга бўлган шахслар жалб этилиши мумкин.

Ўтган давр мобайнида Адлия вазирлиги томонидан Суд департаментининг ҳудудий бошқармаларига ижро ҳаракатларини амалга ошириш турлари бўйича 28 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ўз ичига олган услубий қўлланмалар юборилди.

Соҳани моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлашнинг ўзига хос механизми яратилиб, фаолият кўрсатишнинг моддий асослари вужудга келтирилди. Президентимизнинг 2007 йил 1 ноябрдаги **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд департаментининг суд қарорларини ижро этиш, моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорига мувофиқ ижро интизомини мустаҳкамлаш ва таркибий тузилмалар фаолиятини самарали ташкил этиш устидан тизимли таҳлил ва назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилган ҳолда Суд департаменти таркибида ташкилий-назорат ва таҳлил бошқармаси таркиб топди.

2007 йилнинг 1 декабридан бошлаб эса, суд ижрочилари томонидан суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижроси бўйича ҳаракатларнинг бажарилиши учун ижро йиғими жорий этилди. Ижро йиғими жисмоний шахсларга мулкий характердаги ижро ҳужжатлари учун 1 фоиз, юридик шахслар учун 2 фоиз, номулкий характердаги ижро ҳужжатлари учун жисмоний шахслардан энг кам иш ҳақининг беш баравари миқдорида, юридик шахслар учун ўн баравари миқдорида жорий этилди.

Мазкур ундирилган ижро йиғимлари ҳисобидан Суд департаменти фаолияти самарадорлигини ошириш, ахборот-коммуникацион эҳтиёжларни қондириш, моддий техник базани мустаҳкамлаш мақсадида Суд департаментининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармасига 6 дона хизмат автомашинаси, компьютерлар тўплами, мебеллар, алоқа воситалари, канцелярия товарлари ажратилди.

Суд департаменти моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2007-2010 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури, ахборотни йиғиш ва қайта ишлашнинг ташкилий ва функционал схемаси, ягона ахборот-компьютер тармоғини яратиш учун аниқ вазифалар белгиланди.

Ҳудудий бошқарманинг иш юритувига 2007 йилнинг ўзида 116754 дона ижро ҳужжатлари келиб тушиб, улардаги ижро этилиши зарур бўлган мулкий характердаги ижро ҳужжатларининг моддий қиймати 217 миллиард 337 миллион сўмни ташкил этди. 2008 йилнинг ўтган тўққиз ойида эса 79 566 та ижро ҳужжатлари келиб тушиб, улардан 78 миллиард 525 миллион сўм миқдоридаги маблағлар ундириб берилди.

Кўриниб турибдики, суд-ҳуқуқ тизими ислоҳотларидаги муҳим йўналиш — Суд департаментининг ташкил этилиши мамлакатда ижро интизомини мустаҳкамлаш, фуқаролик муносабатларида ўзаро ишонч ва масъулиятни ошириш, суд органлари ва бошқа органларнинг қарорлари ижросини таъминлаб, бу орқали юқоридаги органлар ижтимоий мавқеининг юксалишига эришилди.

Дониёр ЖЎРАЕВ,
Суд департаментининг Андижон вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи

Қадриятлар тимсоли

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ илк даврларидаёқ Юртбошимиз ташаббуси билан адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш бош вазифа этиб белгиланди. Бу йўлдаги босқичма-босқич, дадил одимларимиз ўз самарасини бермоқда. Айниқса, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида салмоқли ишлар қилинди. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қоидаларининг Бош қомусимизда акс этганлиги бунинг ёрқин далилидир.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2008 йил 1 майдаги **"Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида"**ги Фармонида таъкидланганидек, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси давлатимиз мустақиликка эришганидан кейин ратификация қилинган биринчи халқаро ҳужжатдир.

Фармоннинг 4-бандида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳиятини тарғибот-ташвиқот қилиш мутасадди ташкилотларга юклатилган. Фармон ижроси бўйича Адлия вазирлигининг Ахборот хизмати, вилоят адлия бошқармаси ва Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан Бухоро шаҳар ҳокимлигида Олий Мажлис Сенати аъзолари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идораларнинг масъул ходимлари, Омбудсманнинг Бухоро вилояти вакили вазифасини бажарувчи, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтининг, "Маҳалла" жамғармасининг ва "Камолот" ЁИҲнинг вилоятдаги бўлимлари, Халқ таълими, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси, ҳамда ОАВ ходимлари иштирокида "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг аҳамияти" мавзуида семинар ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳияти ва унинг аҳамияти иштирокчиларга кўргазмали воситалар асосида тушунтирилди ва қатнашчиларнинг ўзлари ҳам бевосита бу борадаги билимларини намойиш этишди. Жаҳон ҳамжамияти жадаллик билан тараққий топаётган бир пайтда мамлакатимизда амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар юртимизда истиқомат қилаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари олий қадрият ҳисобланишини билдиради. Зеро, Юртбошимиз таъбири билан айтганда, биз истиқболимизни тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, давлат ва жамият бошқарувини эркинлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини фикрлар рангбаранглигини янада кенгроқ жорий қилишда кўрамиз. Биз бутун маърифатли дунё, халқаро ҳамжамият билан тинч-тотув, эркин ва фаровон ҳаёт кечириш ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш тарафдоримиз.

Икром АБДУЛХУСЕЙНОВ,
Суд департаментининг Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

● *Биласизми?*

Алимент ундируви

У қандай амалга оширилади?

Ота-оналар ўзларининг вояга етмаган, яъни 18 ёшга тўлмаган фарзандларига таъминот бериб туришлари, ғамхўрлик қилишлари шарт, бу Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасида ўз ифодасини топган.

Таъминот бериш мажбурияти биринчи навбатда моддий жиҳатдан таъминлаш мажбуриятини англатади.

Ота-онанинг вояга етмаган фарзандларига таъминот бериши ихтиёрий равишда ва суд тартибида белгилаб қўйилади.

Суд тартибида алимент белгилаш ота-онадан бирининг даъвоси ёки аризаси бўйича суд буйруғи ёки ҳал қилув қарори чиқариш йўли билан амалга оширилади.

Суд томонидан алимент ота-оналарнинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва даромадининг бир бола учун тўртдан бир қисми, икки бола учун учдан бир қисми, уч ва ундан ортиқ бола учун ярмиси миқдорида ундирилади, ҳар бир бола учун ундириладиган алимент миқдори қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақининг учдан биридан кам бўлмаслиги керак.

Болаларнинг тўлиқ давлат таъминотида бўлиши алимент ундиришни тўхтатмайди.

Алимент тўловчи ота ёки онанинг иш ҳақи ва бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса ёки даромадининг бир қисмини натура шаклида оладиган бўлса, шунингдек, даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса ёхуд ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган болаларнинг таъминоти учун тўланадиган алимент миқдори ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий миқдорда белгилаб қўйилиши мумкин.

Суд ижрочиси ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорда ижро ҳужжатидаги талабларни ихтиёрий равишда бажариш учун қарздорга муддат белгиламайди, чунки улар дарҳол ижро этилиши лозим.

Алимент тўлаш тўғрисида келишув ёки ижро варақаси ёхуд суд буйруғига асосан ўтган давр учун алимент ижро варақаси топширилган пайтдан бошлаб уч йиллик муддат доирасида ундирилиши мумкин.

Алимент Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида пул ва натура тарзида олинган барча даромадлардан ушлаб қолинади.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, алимент иш ҳақи ва бошқа даромад сумаларидан солиққа доир қонун ҳужжатларига мувофиқ солиқ ушлаб қолинганидан кейин ундирилади.

Агар алимент почта орқали юбориладиган бўлса, почта харажатлари қарздонинг ҳисобидан ушлаб қолинади ва бу алимент миқдорига таъсир қилмаслиги керак.

Агар бошқа ота-онадан туғилган вояга етмаган болалар учун суднинг бир неча қарорларига асосан ундирилаётган алимент қарздорнинг маоши ва даромадининг 50 фоизидан ошиб кетса ҳам суд ижрочиси томонидан ундирув давом этаверади, лекин бундай ҳолатда алимент тўловчи алимент миқдорини камайтириш ҳақида судга даъво ариза бериши мумкин.

Вояга етмаган фарзандларининг таъминоти учун алимент тўлашдан бўйин товлаган шахслар ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши ва жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш уни алимент тўлашдан озод қилинмайди.

Иш берувчи (корхона, ташкилот, муассаса ва ҳоказо) алимент тўловчининг иш ҳақидан ёки пенсия, стипендияси ва бошқа даромадидан ҳар ойда алимент ушлаб қолиб, алимент олиши лозим бўлган шахсга жўнатиши шарт, агар ўз вақтида узрсиз сабабларга кўра алимент жўнатилмаса, бунинг учун масъул мансабдор шахслар жаримага тортилади.

Қарздорнинг турар жойи ҳақида маълумот бўлмаса, суд ижрочиси ўз ташаббуси билан ёки ундирувчининг аризасига асосан қарздорга нисбатан қидирув эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилади, бу қарор катта суд ижрочиси томонидан тасдиқлангач, қидирув ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

Суд ижрочиси қарздорларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетмаслик чорасини кўриши керак, бундай ҳолларда суд ижрочиси қарздорнинг қарзи борлиги ҳақида паспорт-виза хизматини хабардор қилиши лозим.

Алимент тўловчи шахс ишдан бўшаса, иш берувчи суд ижрочисига бу ҳақда, агар қарздорнинг янги иш жойи, манзили унга маълум бўлса бу ҳақда ҳам хабар беради, шунингдек, ҳисобчи алимент тўловчининг қанча қарзи борлиги ва ундан ушланган суммалар тўғрисида ижро варақасига белги қўйиб, суд ижрочисига юборади.

Мансабдор шахслар томонидан суд ижрочисининг қонуний талаблари бажарилмагани тақдирда, шу жумладан, ижро ҳужжати йўқотилган ёки ўз вақтида юборилмаган, қарздорнинг даромади тўғрисида ёлғон маълумот берган айбдор мансабдор шахслар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 198-моддасига асосан жавобгарликка тортилади.

Алиментни ўз вақтида тўлаб бориш, аввалambor, алимент тўловчи шахснинг виждонига боғлиқ, у биринчи навбатда ўзининг мурғак фарзандларининг таъминотсиз қолишини доим тасаввурида сақлаши керак. Шусиз ҳам ота меҳридан жудо бўлган боланинг қалби ўксик бўлади, бунинг устига уни моддий томондан ҳам оғир аҳволга солиб қўйиш боланинг шаклланиб келаётган маънавияти ва ахлоқига таъсир этмай қолмайди.

Ислом ҚАЛҚОНОВ,
Суд департаменти Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

Яқинда хизмат сафари билан Фарғона шаҳрига бордик. Сафар мобайнида керакли манзилни ахтардик. Шаҳар ичида эса автобуслар қатнамаётганига гувоҳ бўлдик...

Ҳаётда бировнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш савобли иш... Фарғона вилоятининг қарийб уч миллионлик аҳолисига айни пайтда 7414 та лицензияланган автотранспорт воситаси 209 та уюшмага бирлашган ҳолда хизмат кўрсатмоқда.

● *Мулоҳаза*

Рақобатда холислик борми?!..

Мутасаддилар эътиборига!

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги (бундан кейинги ўринларда **"Ўзавтодарётранс"** деб юритилади - Х.С, Ш.М) вилоят ҳудудий бўлими вакилларининг маълум қилишларича, Фарғона вилояти аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш бўйича республикамизда Тошкент шаҳридан кейинги иккинчи ўринни эгаллайди. Бу жуда қувонарли ҳол. Албатта, бундай муваффақиятга эришишда "Фарғона Автотрансхизмат" МЧЖнинг ҳам сезиларли улуши бор. Жорий йилнинг январь ойига қадар жамият **46** та **"Отойўл"** русумли автобуслари билан фаолият юритган. Январь ойида эса яна 40 та **"Исузу"** русумли автобуслар келтирилиб, шаҳар ва шаҳар атрофидаги тўхтаб қолган янги йўналишлар бўйича қатновга қўйилди ва аҳолига янада қулайлик яратилди.

"Фарғона Автотрансхизмат" МЧЖ имтиёзли кредит эвазига "Отойўл" ва "Исузу" русумли автобуслардан 86 тасини сотиб олиб, шаҳар ичи ва шаҳар атрофи йўналишларида арзон, намунали транспорт хизмати кўрсатиб келмоқда. Натижада бир ойда давлатимиз ғазнасига 250.000.000 сўмдан 300.000.000 сўмгача нақд пул кирим қилишга эришилди.

Аммо йўловчи ташиш билан шуғулланувчи уюшмаларнинг айримлари йўл кира учун чипта сотиш, кундалик нақд пул тушумларини тўлиқ инкасса қилишни таъминламай, бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқларни тўлашдан кўз юмиб келаётган ҳолати ҳам учраяпти. Бундан ташқари, ишлаб чиқарилганига **13** йилдан **40** йилгача бўлган **"Форд"**, **"Мерседес"**, **"РАФ"** русумли транспорт воситаларидан ҳамон йўловчиларни ташиш мақсадида фойдаланиляпти. Ваҳоланки, Президентимизнинг **2006** йил **14** декабрда қабул қилинган **"Самарқанд автомобиль заводи ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва Республика автотранспорт паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарорида ишлаб чиқарилганига **10 йилдан ошган автобус ва микроавтобусларни босқичма-босқич рўйхатдан чиқариш вазифаси юкланган.** Қолаверса, юқоридаги уюшмалар тендер ҳамда лицензия битимининг бошқа талаб ва шартларини бузган ҳоллар ҳам мавжуд.

Маълумки, "Ўзавтодарётранс"нинг ҳудудий бўлими ва тендер ғолиби бўлган уюшма ўртасида тендер ва лицензия битими имзоланади. Тендер битимининг **3.6-бандида: "Ташувчи йўл ҳақи учун чипта сотишни таъминлаш ва йўл кира ҳақидан тушган даромадни йиғишни таъминлаши зарур. Бир марталик чипта қатъий ҳисобот ҳужжати ҳисобланади. Унда серия рақами бўлиб, босмахона усулида тайёрланиши лозим. Кира ҳақи учун тўловдан олинган даромаднинг ҳаммаси тўлиқ равишда ташувчида қолади ва белгиланган тартибда инкасса қилинади",** деб белгиланган.

Суриштирув жараёнида шу нарсага амин бўлдикки, вилоятда йўловчи ташишга бел боғлаган аксарият ҳайдовчилар қайсидир уюшмага аъзо бўлишган ва ҳар куни ўртача 2000 сўмдан 7000 сўмгача аъзолик бадалини тўлашаркан, холос. Қолган барча тушум уларнинг ўзиники. Уюшмалар масъуллари эса бадални ундиргач, уларга йўл варақасини ёзиб беришмоқда. Ҳар бир автомашина учун белгиланган солиқ ва бошқа йиғимлар ана шу аъзолик бадали ҳисобидан тўланади. Йўловчиларга чипта сотиш на ўша айрим уюшмадагиларнинг, на ҳайдовчининг хаёлига келади. Табиийки, бу ҳолат нақд пул тушумининг тўлиқ инкасса қилинмаслиги ҳамда шунга яраша солиқлар тўланмаслигига олиб келяпти. Бошқача айтганда, нақд пул тушумидан 2006 йилнинг февралидан жорий йилнинг май ойига қадар турли идораларга кўп бор мурожаат қилинган. Мазкур мурожаатларга **фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, вилоят ДСБ, "Ўзавтодарётранс" агентлигигина** ўз вақтида жавоб қайтаришган. Бошқа идоралар эса ушбу мурожаатларни эътиборсиз қолдиришган. Масалан, вилоятда бевосита масалага дахлдор бўлгани учун **"Ўзавтодарётранс"нинг вилоят ҳудудий бўлимига 2007 йилнинг 14 мартидан 2008 йилнинг 1 апрелига қадар 7 маротаба мурожаат қилинган.** Аммо ҳудудий бўлим уларнинг фақат биттасига жавоб қайтарган, холос.

2007 йилнинг 10 августида Фарғона шаҳар ҳокимининг **"Фарғона шаҳар ичида умумий фойдаланишдаги автотранспорт соҳаси бошқариш тизимини такомиллаштириш ва нақд пул тушумини тартибга солиш тўғрисида"**ги **165-Ф-сонли** фармойиши қабул қилинган. Ушбу фармойишга мувофиқ шаҳар ҳудудида рўйхатдан ўтган **17 та йўловчи** ташиш билан шуғулланувчи субъект **("Фарғона Автотрансхизмат" МЧЖдан ташқари)**га нақд пул тушуми топшириғи аниқ белгилаб берилган. Фармойиш қабул қилинган пайтда ана шу корхоналардаги автомобиллар сони **1141** тани ташкил қилган. Улар учун белгиланган бир ойлик нақд пул тушуми миқдори **858.130.000** сўмдан иборат бўлган. Эътибор беринг-а, 2008 йилнинг дастлабки чорагида шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган уюшмалар сони 38 тага етиб, уларнинг 1613 та автотранспортлари ҳисобидан **658.065.000** сўм нақд пул топширилган. Шундан нақд **426.961.500** сўми ёки умумий тушумнинг 64 фоизи А.Камолов раҳбарлик қилаётган корхона ҳиссасига тўғри келади. Ваҳоланки, жамиятдаги автомобиллар сони атиги **86** тани (шаҳар бўйича йўловчи ташиган жами автомобиллар сонининг 5,3 фоизини) ташкил қилади. 2007 йилда эса шаҳар бўйича 1150 та автотранспортдан **2.396.222.200 сўм** нақд пул инкасса қилингани ҳолда унинг **934.418.347** сўми ёки **39 фоизи "Фарғона Автотрансхизмат" МЧЖ** (2007 йилда жамият 46 та автобуси билан йўловчи ташиган)нинг улушидир. Бу кўрсаткични вилоят миқёсида тақкосланганда МЧЖ ҳиссаси 2007 йилда 12 фоиз, жорий йилнинг биринчи чорагида эса 17 фоизга тўғри келади. Жамият автобуслари сони вилоят бўйича лицензияланган автотранспортларнинг 1,2 фоизига тенг, холос. Энг асосийси, мазкур автобусларда барча йўналишда йўловчилар бошқа транспортлардан арзон нархларда қатнамоқда.

Жорий йилнинг 28 июлида Фарғона вилояти ҳокимининг **"Вилоят аҳолисига транспорт хизмати кўрсатишни тартибга солиш тўғрисида"**ги 188-сонли қарори қабул қилинди. Мазкур қарорда шаҳар атрофи йўналишли такси йўналишларида ишлаётган микроавтобусларда 1 километр учун йўл тарифи 17 сўм қилиб белгиланган. Аммо ҳозир бирор бир уюшма ана шу қарорда қайд этилган нарх бўйича йўл ҳақи олаётгани йўқ. Аксинча...

Шу ўринда яна бир гап. 2008 йил 29 май куни вилоят прокуратураси томонидан А.Камоловнинг аризасига асосан ўтказилган текширишда аниқланган бир қатор қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан тақдимнома киритилди. Тақдимномадан айрим жумлаларни келтирамиз: **"... йўловчи ташиш бўйича тендер танловлари фақат комиссия раисининг ўринбосари, "Ўзавтодарётранс" вилоят ҳудудий бўлими бошлиғи раҳбарлигида ўтказилиб келинган... "Ўзавтодарётранс" вилоят ҳудудий бўлими томонидан "Тошлоқ автобус-такси саройи" ОТҲЖда ўтказилган текширишда жами 26 та автотранспорт воситаси оралиқ мудатларда лицензия варақаси билан таъминланмаганлиги аниқланган. Аммо корхона раҳбари ёмонига аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан киритилган 4 банддан иборат кўрсатманинг жавоби олинмаган ҳамда назорат тартибида текшириш ўтказилмаган. Аниқланган ҳолатлар бўйича фақат ДСИга мурожаат қилиш билан чекланилиб, материаллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларига юборилмаган. Бундан ташқари, "Ўзавтодарётранс" вилоят ҳудудий бўлими томонидан "Фарғона Автотрансхизмат" МЧЖ раиси А.Камоловнинг йўловчи ташишдаги қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан ёзган аксарият мурожаатлари тўлиқ кўриб чиқилмай, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги Қонуни талаблари бузилган..."**

Албатта, вилоятда йўловчи ташишни тартибга солиш борасида ишлар қилинмаяпти, демоқчи эмасмиз. Бироқ амалга оширилаётган ижобий ишлар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар ҳам ҳали талайгина экан. Уларни эса вилоят ҳокимлигидан тортиб барча дахлдор соҳалар вакиллари ҳамжиҳатликда, аниқ ва қатъий чораларни кўриш орқали ечишлари мумкинга ўхшайди. Шундагина аҳолига қулай, арзон ва сифатли хизмат кўрсатишга эришиш мумкин, деган фикрдамиз!

Хуршид СУЛТОНОВ,
Шуҳратбек МУСАЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбирлари

● *Семинар*

Судьялар Сенатда

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Навбатдаги тадбирлардан бири **"Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари – фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг манбаи"** мавзуига бағишланган бўлиб, у Олий Мажли Сенатида бўлиб ўтди. Тадбирда Олий Мажлис Сенати қўмиталари, Олий суд ҳузуридаги Тадқиқот маркази, ички хавфсизлик инспекцияси вакиллари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судлари судьялари иштирок этишди.

Семинарда Олий Мажлис Сенати фаолияти, суд-ҳуқуқ тизими ҳақида ҳамда Олий суд ҳузурида Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ташкил этилганлиги ва у одил судловни амалга оширишда қонунийликни таъминлашга, суд тизими мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши ҳақида сўз юритилди.

Шунингдек, маърузачилар судларнинг жиноят, фуқаролик, хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатлари янада оширилишига имкон яратишини алоҳида таъкидладилар.

Тадбир иштирокчиси Зарафшон туманлараро судининг судьяси Гулнора Раҳмонова семинар ҳақида шундай дейди:

– Биз бугунги ўқув машғулоти давомида Олий Мажлис Сенати фаолияти ҳақида умумий маълумотга эга бўлдик, ҳамда ўзимизни қизиқтирган таклифларимизни билдирдик. Айтмоқчи бўлганим шундан иборатки, барча қонунлар амалиётдан келиб чиқиб қабул қилинади. Ва бу жараён ўта жиддийликни ҳамда катта масъулиятни талаб қилади. Бугунги кунда Олий Мажлис Сенати зиммасига ҳудди шундай масъулият юкланган. Бугун биз тинглаган маърузаларда мана шу вазифанинг бажарилиши ҳақида сўз юритилди.

Тадбир иштирокчилари томонидан билдирилган таклифлар ва мулоҳазалар семинарнинг янада қизиқарли ўтишини таъминлади.

Дилфуза ЭРГАШЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

● *Фаолият*

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ ва фуқаролик жамияти тараққиётида адвокатура институти ўзига хос аҳамиятга эга. Ана шу нуқтаи назардан мамлакатимизда адвокатура тизими тубдан ислоҳ қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, шунингдек, "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида"ги Қонунлар адвокатура институтининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги самарали фаолиятларига муҳим асос бўлди.

Касб малакасини ошириш

соҳа ривожининг муҳим асоси

МАМЛАКАТИМИЗ раҳбарининг 2008 йил 2 майдаги **"Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони адвокатура тизимининг ҳуқуқий давлат тараққиётида тутган ролини янада оширишга хизмат қилади.

Ҳозирги кунда Тошкент вилоятида 1 та адвокатлар ҳайъати, 25 та ҳуқуқий маслаҳатхона, 45 та бюро ва 15 та адвокатлик фирмасида 257 нафар адвокат фаолият олиб бормоқда.

Адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан қўйилаётган талаблар янада кучайтирилиб, улардан ёзма равишда касбий қасамёд қабул қилиш йўлга қўйилди. Ҳар бир номзодга адвокатлик этикасига қатъий риоя этилиши, касб этикасини қўпол равишда бузганларга нисбатан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясини бекор қилиш каби чоралар кўрилиши алоҳида тушунтирилади.

Жорий йил давомида адлия бошқармасининг ФҲДЁ, Нотариат ва адвокатура бўлимига келиб тушган жами аризалардан 107 таси (45 фоиз) адвокатура масалаларига оид бўлган мурожаатлардир. Улардан 10 таси асосли деб топилиб, қаноатлантирилди, 7 таси қисман асосли, 14 таси асоссиз деб топилиб, 15 таси бўйича ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Жумладан, адлия бошқармаси қошидаги адвокатура бўйича малака комиссияси 2008 йил 12 июнда фуқаро Н.Холмуродова, А.Абдураҳмонова ва Х.Жумановларнинг "Имкон" адвокатлик бюроси раҳбари, адвокат Х.Ашировнинг ҳаракатларидан норози бўлиб ёзган шикоятларини кўриб чиққанда, уларда келтирилган ҳолатлар ўз тасдиғини топди.

Масалан, адвокат Х.Аширов 2005 йил Абдураҳмоновлар оиласига 550 АҚШ долларига квартира сотиб, эвазига ишончнома расмийлаштириб берган.

Шу аснода А.Абдураҳмоновадан Н.Холмуродовага нисбатан асоссиз "исботлар"ни айтишни талаб қилади. Турган гапки, Абдураҳмонова унинг бу "илтимос"ини рад қилади. Бундан ғазабланган адвокат, уларга сотган уйини расмийлаштиришдан бош тортиб, уни қайтариб олиш ҳаракатига тушади.

Юқоридаги касб этикасига мутлақо зид бўлган ҳолатлар аниқлангач, малака комиссияси Х.Аширов лицензиясининг амал қилиш муддатини 2007 йили 6 ойга тўхтатди. Лекин адвокат бундан ўзига тўғри хулоса чиқариб ололмади. Аксинча унга нисбатан аризалар сони янада кўпайди.

2008 йил 12 июндаги малака комиссияси қарорига мувофиқ Х.Ашировнинг адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси бекор қилинди.

Президентимизнинг **"Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим ўрин тутади. Унда адвокатликка номзод шахсларнинг малакасига нисбатан талабларни кучайтириш, уларнинг юридик соҳада иш тажрибасига эга бўлиши ва адвокатлик тузилмаларида амалиёт ўташи ҳамда адвокатлар мунтазам равишда ўз касбий малакасини ошириб боришга ва касб этикаси қоидаларига амал қилишга мажбурлиги белгиланган.

Мазкур Фармон адвокатлик тузилмаларининг ҳуқуқий-адолатли давлат тараққиётидаги аҳамиятини ошириш баробарида самарали фаолиятининг кафолатини янада мустаҳкамлайди.

Гулсара ИСАХОНОВА,
Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Янги босқич бошлаб берилди

МАМЛАКАТИМИЗ мустақиллигининг дастлабки кунларидан инсон ҳуқуқларини таъминловчи тузилмаларга, жумладан, адвокатура институтини ривожлантиришга, унинг жамиятдаги мавқеини кўтаришга катта эътибор қаратила бошланди. Ўзбекистон Республикаси адвокатлик тузилмалари, уларнинг ҳуқуқий мақоми ва ўзига хос ҳусусиятлари тўғрисидаги қонуний асослар "Адвокатура тўғрисида"ги ҳамда "Адвокатлик фаолияти кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисида"ги Қонунларда ўз ифодасини топди.

БУГУНГИ КУНДА мамлакатимизда 6,5 минг нафардан ортиқ адвокатни бирлаштирувчи 854 та адвокатлик бюроси, ҳайъат ва фирмаларни ўз ичига қамраб олган кенг тармоқли адвокатлик муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

Юртбошимизнинг **"Биз адвокатура тизимини кучайтиришимиз ва унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, уларнинг ваколатлари ва мажбуриятларини ҳимоя қилиш, комини прокуратура билан тенглаштириш учун қонунчилик соҳасида ҳам амалий ишлар соҳасида ҳам, кўпгина чора-тадбирлар кўрмоқдамиз"**, деган фикрларидан келиб чиқиб, кейинги пайтларда адвокатлик фаолиятига оид қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, уларнинг иш фаолиятини талаб даражасида ташкиллаштириш ва кенгайтириш, уларнинг ижтимоий ва касбий фаолиятини ҳимоялаш каби чоралар кўрилди.

2008 йил 1 майда адвокатлик тузилмаларининг фаолиятини такомиллаштириш мақсадида **"Ўзбекистон Республикасида Адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"** Президентимизнинг Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармоннинг асосий мақсади республикамизда судҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида юридик ёрдам олиш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, адвокатларнинг мустақиллиги кафолатларини кучайтириш ҳамда уларнинг касбий обрў ва нуфузини янада оширишдир.

Мазкур Фармоннинг қабул қилиниши адвокатларнинг фаолиятини такомиллаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Ҳақиқатда бугунги кунга қадар давлат органлари билан адвокатура ўртасида ҳуқуқий муносабатлар давлат ҳокимиятлари бўлиниши тамойилига ҳамда адвокатура институти тушунчаси моҳиятига тўғри тушмас эди. Бунда адвокатлик фаолиятини тўхтатиб туриш, бекор қилиш ҳуқуқи давлатнинг ваколатли органлари томонидан амалга оширилиб, амалда бундай ваколатни адвокат бўлган, унинг оғир фаолияти ва машаққатларини тортган адвокатларнинг ўзини ўзи бошқаришга ихтисослашган тузилмаларига беришга эҳтиёж сезилади. Зеро, бу амалдаги "Адвокатура тўғрисида"ги Қонуннинг мазмун-моҳиятига ҳам тўла мос тушади.

Раҳматжон БЕРДИЯРОВ,
тадқиқотчи

● *Бурч масъулияти*

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ, ижтимоий ҳимояси, қолаверса, саломатлиги муҳофазаси, таълим соҳасини янада ривожлантириш, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш бевосита давлат ғазнасига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас.

Қарздорлик

оқибати ёмон

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ эса айнан давлат ғазнасининг салмоғига қараб тузилади.

Афсуски, баъзи бир корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари давлат олдидаги бурчи, халқ олдидаги масъулиятини унутиб қўядилар. Натижада солиқ ва мажбурий тўловлардан қарз бўлиб қолмоқдалар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 мартдаги 133-сонли қарорига асосан муддатида тўланмаган солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловларни қарздор корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари мол-мулки ҳисобидан ундириш борасида Суд департаменти Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси суд ижрочилари бўлимлари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига Сирдарё вилояти хўжалик судининг суд буйруқларига кўра жами 35 083 000 000 сўмлик ижро ҳужжатлари ижро учун қабул қилинган бўлса, 18 697 900 000 сўмлик ижро тўлиқ таъминланди, шундан 46 900 000 сўмлиги қарздор хўжаликлар мол-мулки сотуви ҳисобига таъминланди.

Қарздор корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ўз бурчларини унутмасликлари лозим. Зеро, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши солиқ тўловларининг ўз вақтида тўланишига ҳам боғлиқ.

Шуҳрат ҚЎЧҚОРОВ,
Суд департаменти Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари

2008 йил 1 декабрь куни Тошкент вилояти Юқоричирчиқ тумани Янгибозор қўрғонидаги М.Улуғбек кўчаси 1-уйда жойлашган «PILLAKOR» МЧЖ мулкдорларининг умумий йиғилиши бўлади. Шунга (тааллуқли) тегишли кишиларнинг қатнашишлари сўралади.

«PILLAKOR» МЧЖ кенгаши

ТЕНДЕР САВДОЛАРИ МУДДАТИНИНГ УЗАЙТИРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ХАБАРНОМА

ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги №ПҚ-672 сонли Қарорига асосан аввал эълон қилинган тендерлар бўйича таклифларини қабул қилиш муддати узайтирилганлигини маълум қилади:

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2008 йил 16 декабрь Тошкент вақти билан соат 12.00да тугайди.

Корхонанинг номи	Манзили	Сотиладиган улуш (%)	Бошланғич нархи (минг АҚШ долл.)	Инвестиция мажбуриятлари (минг АҚШ долл.)
"Ўзпахтамаш" ОАЖ	Тошкент ш.	50,00	6 567,5	5 500,0
"Чиноз" дам олиш маскани	Тошкент вил. Чиноз тум.	100,00	250,0	1 000,0
"Шаршара" болалар соғломлаштириш оромгоҳи	Наманган вил.	100,00	249,0	142,5
"Ўзбеккўмир" ОАЖ	Тошкент ш.	35,55	30 579,8	232 000,0
"Сарбон-Нефтгаз" ОАЖ	Тошкент ш.	25,00	763,2	800,0
"Жиззах пластмасса" ОАЖ	Жиззах ш.	57,67	3 630,0	5 000,0
"Нақлгазмахсусқурилиш" ОАЖ	Тошкент ш.	20,00	2 302,0	700,0
"Косон-1 пахта тозалаш" ОАЖ	Қашқадарё вил.	26,00	1 898,8	энг юқори
"Гурлан пахта тозалаш" ОАЖ	Хоразм вил.	26,00	1 222,6	энг юқори
"Ходжаабадское управление технологическим транспортом" ОАЖ	Андижон вил.	25,00	376,053	240,0
"Нефть ва газ қудуқларини синаш" ОАЖ	Қашқадарё вил.	22,90	1 981,7	400,0
"Нефтгазтадқиқот" ОАЖ	Бухоро вил.	25,00	110,0	940,0
"Қашқадарё технологик транспорти" ОАЖ	Қашқадарё вил.	25,00	3 600,0	2 000,0
"Тошкент иссиқлик электр станцияси" ОАЖ	Тошкент ш.	47,00	7 350,0	135 700,0
"Кўқон спирт" ОАЖ Фарғона вил.	Кўқон ш.	47,00	8 159,0	3 000,0
"Марказий" меҳмонхона мажмуаси	Тошкент ш.	100,00	40 183,3	25 292,4
"Гидромахсусқурилиш" ОАЖ	Тошкент ш.	69,00	2 100,0	2 180,0
Бухоро вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти	Бухоро вил.	25,00	494,7	1 293,2 млн.сўм
Навоий вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти	Навоий вил.	25,00	284,0	156,3 млн.сўм
Жиззах вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти	Жиззах вил.	25,00	911,0	496,1 млн.сўм
Хоразм вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти	Хоразм вил.	25,00	683,0	113,3 млн.сўм
Фарғона вилояти "Қишлоқхўжаликкимё" ҳудудий акциядорлик жамияти	Фарғона вил.	25,00	821,0	1 225,0
"Самарқандкимё" ОАЖ	Самарқанд вил.	100,00	20 506,0	7 300,0

Тендерда иштирок этиш истаги бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим.

Ушбу ҳолда Информацион меморандум, Тендерни ўтказиш қоидалари ва Тендер таклифининг шаклини ўз ичига олган Тендер ҳужжатлари, уларга тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда Давлат мулки қўмитасига тўлдирилган ва имзоланган Ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида Билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларини учун белгиланган тўловни Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг қуйидаги ҳисоб рақамларидан бирига ўтказиш лозим:

Валюта рақами № 20203840500600289001,
Ҳисоб рақами № 20203000600600289001.
"Ипак Йўли" АИКБ, Тошкент ш., Фарҳод кўч., 12-"А" уй
ИНН 201122696, Банк коди 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Тендер таклифларининг очилиши 2008 йил 16 декабрда Тошкент вақти билан соат 16:00да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қаватда) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Кимёсаноат соҳаси корхоналари бўйича:

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш Бюроси Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, "Ўзбекистон" шоҳкўчаси, 55- уй
Давлат мулки қўмитаси биноси,
17-қават.
Бош директор в. б. Аҳмеджанов Халил Ҳакимжанович эътиборига,
Телефон: +998 (71) 259 2251
Факс: +998 (71) 259 2279
Эл. почта: ccpbuz@tps.uz

Пахтасаноат ва нефть газини қайта ишлаш корхоналари бўйича:

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейинги даврда қўллаб-қувватлаш Бюроси,
Ўзбекистан Республикаси, Тошкент, 100003,
"Ўзбекистон" шоҳкўчаси, 55- уй
Давлат мулки қўмитаси биноси, 15-қават.
Бош директор Набихонов Саъдуллахон Ҳамидуллахонович эътиборига,
Телефон: +998 (71) 259 2223
Факс: +998 (71) 259 2142
Эл. почта: **eibb@tps.uz**

Дам олиш масканлари ва болалар соғломлаштириш оромгоҳлари бўйича:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг Бош бошқармасига, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, "Ўзбекистон" шоҳкўчаси, 55-уй. Маматов Одилжон эътиборига, Телефон: +998 (71) 150 72 13, Факс: +998 (71) 259 20 72, Эл. манзил: www.gki.uz

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ
ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА
ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 июль 2007 йилдаги №ПҚ-672 сонли Қарорига мувофиқ

"FARG'ONAAZOT" ОАЖнинг 51 фоиз АКЦИЯЛАРИ ПАКЕТИ СОТИЛИШИ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ўтказилишини эълон қилади:

"FARG'ONAAZOT" ОАЖ томонидан чиқарилган барча акцияларининг 51 фоизини ташкил этувчи 2 057 631 (икки миллион эллик етти минг олти юз ўттиз бир) дона оддий акциялари сотувга қўйилади.

"FARG'ONAAZOT" ОАЖ Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида жойлашган. Корхона 1961 йилда ишга туширилган. Корхонада суюқ аммиак, карбамид, аммиак селитраси, магний хлорат дефолианти, натрий хлорат ва карбон кислотаси ишлаб чиқарилади.

Акция пакетининг бошланғич баҳоси – **52 000 000,0** (эллик икки миллион) АҚШ доллари.

Корхонанинг инвестиция мажбуриятлари- **55 000 000,0** (эллик беш миллон) АҚШ долларини ташкил этади.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Қизиқувчилар сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этишлари мумкин.

Информацион меморандум, Тендерни ўтказиш қоидалари, Тендер таклифи ва намунавий олди-сотди шартномаси шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилгандан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган, имзоланган Ариза ва махфийликни сақлаш тўғрисида Билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи **2 000** (икки минг) АҚШ доллари қийматини ташкил этади. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим.

АИТБ "Ипак Йўли", 100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-А уй,

Валюта ҳисоб рақами 20203840500-600289001,

Сўм ҳисоб рақами 20203000600600-289001.

ИНН 201122696, банк коди 00444, S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Тендер иштирокчилари ўрнатилган муддат ичида икки конвертдан иборат (биринчи конверт – "Ташкилий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва квалификацион маълумот" ва иккинчи конверт – "Молиявий таклиф") тендер таклифи жойлаштирилган пакетни қуйида кўрсатилган манзилга тақдим этишлари керак. Тендер ғолибини аниқлаш жараёни икки босқичдан иборат бўлади.

Квалификацион талабларга жавоб берадиган, "FARG'ONAAZOT" ОАЖнинг 51 фоиз акциялар пакетига энг юқори нархни таклиф этган ва инвестицион мажбуриятларнинг энг юқори ҳажмини ўз зиммасига олишга тайёр бўлган тендер иштирокчиси устунликка эга бўлади.

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2009 йил 20 январда Тошкент вақти билан соат 12:00да тугайди.

Тендер таклифларининг биринчи конвертини очиш 2009 йил 20 январда Тошкент вақти билан соат 16:00да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади. Тендер таклифларининг иккинчи конвертини очиш тендер иштирокчиларини стратегик инвесторларга қўйиладиган квалификацион талабларга мувофиқлигини баҳолашдан сўнг Идоралараро ишчи гуруҳи мажлисида бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини очиш вақтида тендерда ўрнатилган тартибда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:

Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, "Ўзбекистон" шоҳкўчаси, 55-уй.
Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.
Бош директор в.б. Аҳмеджанов Халил Ҳакимджанович эътиборига.
Телефон: +998 (71) 259 22 51
Факс: +998 (71) 259 22 79
Эл. почта: **ccpbuz@ tps.uz**

ТЕНДЕРДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФ
ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХОРИЖИЙ ИНВЕСТОРЛАРГА СОТИШ БЎЙИЧА
ТЕНДЕР САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗУВЧИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 июль 2007 йилдаги №ПҚ-672 сонли Қарорига мувофиқ

"ФАРҒОНА ФУРАН БИРИКМАЛАРИ КИМЁ ЗАВОДИ" УКнинг 100 фоиз СОТИЛИШИ БЎЙИЧА ОЧИҚ ТЕНДЕР САВДОЛАРИ ўтказилишини эълон қилади:

"Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи" УКнинг100 фоизини фаолият тури сақланган ҳолда сотувга қўйилади.

"Фарғона фуран бирикмалари кимё заводи" УК Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида жойлашган. Корхона 1946 йилда ишга туширилган. Корхона фаолиятининг асосий йўналиши пахта целлюлозаси, фуритол-107, фурфил спирти, этилланган техник спирти, фурфурол – 1 нав, ФХЛ-1 бурғулаш реагенти, той- пахта маҳсулотлари ишлаб чиқаришдан иборат.

Корхонанинг бошланғич баҳоси – **37 000 000,0** (ўттиз етти миллион) АҚШ долларидан кам бўлмаган.

Корхонанинг инвестиция мажбуриятлари **2 600 000,0** (икки миллион олти юз минг) АҚШ долларини ташкил этади.

Тендерда иштирок этиш истагида бўлган сармоядорлар тендерда иштирок этиш Аризасини ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисидаги Билдиришномани тегишли тарзда тўлдириб ва имзолаб топширишлари лозим. Қизиқувчилар сўровномалар билан қуйида келтирилган манзилга мурожаат этишлари мумкин.

Информацион меморандум, Тендерни ўтказиш қоидалари, Тендер таклифи ва намунавий олди-сотди шартномаси шаклини ўз ичига олган тендер ҳужжатлари уларга тўлов амалга оширилгандан кейин ҳамда Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюросига тўлдирилган ва имзоланган Ариза ҳамда махфийликни сақлаш тўғрисида Билдиришнома билан биргаликда тўлов амалга оширилганликни тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилганидан сўнг олиниши мумкин.

Тендер ҳужжатларининг нархи **2 000** (икки минг) АҚШ доллар қийматини ташкил этади. Ушбу тўлов қуйидаги банк ҳисоб рақамларига ўтказилиши лозим.

АИТБ "Ипак Йўли", 100135, Тошкент шаҳри, Фарҳод кўчаси, 12-А уй,

Валюта ҳисоб рақами 20203840500600289001.

Сўм ҳисоб рақами 20203000600600289001.

ИНН 201122696, банк коди 00444 S.W.I.F.T. код: INIPUZ22

Тендер таклифларини қабул қилиш муддати 2009 йил 20 январда Тошкент вақти билан соат 12:00да тугайди.

Тендер таклифларининг конвертини очиш 2009 йил 20 январда Тошкент вақти билан соат 16:00да, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг мажлислар залида (5-қават) бўлиб ўтади.

Тендер таклифларини ўрнатилган тартибда тақдим этган тендер қатнашчилари ёки уларнинг ишончли вакиллари тендер таклифларини очиш маросимида қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

Тендер ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилгоҳ бўйича мурожаат этишингизни сўраймиз:

Давлат мулки қўмитаси ишчи органи:
Якка хусусийлаштириш лойиҳаларини амалга ошириш бюроси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент, 100003, "Ўзбекистон" шоҳкўчаси, 55-уй.
Давлат мулки қўмитаси биноси, 17-қават.
Бош директор в.б. Аҳмеджанов Халил Ҳакимджанович эътиборига.
телефон: +998 (71) 259 22 51
факс: +998 (71) 259 22 79
Эл. почта: **ccpbuz@ tps.uz**

БУГУНГИ КУНДА шартнома фуқаролар ва юридик шахсларнинг ўзаро муносабатларини қонуний тартибга келтиришнинг асосий шартига айланган. Чунки, қонун талаблари асосида тузилган шартнома фуқароларнинг ўзаро муносабат юритишларида ишончлиликни таъминловчи асосий воситадир.

● *Ҳуқуқий маърифат*

Шартнома артлари



ШУ ЎРИНДА савол туғилади. Хўш, шартнома нима ўзи? Уни имзолашнинг қонуний талаблари нималардан иборат?

Шартнома икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувдир. Унинг шартлари тарафларнинг хоҳишига кўра белгиланади.

Шартнома тарафлардан бирининг оферта (шартнома тузиш ҳақидаги таклиф) йўллаши ва иккинчи тараф уни акцептлаши (таклифни қабул қилиши) йўли билан тузилади.

Оферта йўллаган шахс унинг акцептини олган пайтдан шартнома тузилган ҳисобланади. Агар қонунда шартнома тузиш учун маълум бир шакл белгилаб қўйилмаган бўлса, шартнома битимлар тузиш учун назарда тутилган ҳар қандай шаклда тузилиши мумкин.

Шартноманинг қуйидаги турлари мавжуд:

Шартнома бўйича тараф ўз бурчларини бажарганлиги учун ҳақ олиши ёки унга бошқа муқобил тўлов тўланиши лозим бўлса, бундай шартнома ҳақ эвазига тузилган шартнома, дейилади.

Аксинча, шартнома тузилганида ҳақ олинмаса, текинга тузилган шартномадир.

Ташкилот томонидан тузилган ҳамда унинг бундай ташкилот ўз фаолияти хусусиятига кўра ўзига мурожаат қиладиган ҳар бир шахсга нисбатан амалга ошириши шарт бўлган товарлар сотиш, ишлар бажариш ёки хизматлар кўрсатиш соҳасидаги вазифаларни белгиловчи шартнома оммавий шартнома, дейилади. Шунингдек, тарафлар турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига олган аралаш шартнома тури ҳам мавжуд.

Ушбу шартномалар, албатта, нотариал тасдиқланиши шарт ҳамда нотариал тасдиқланиш амалга оширилган кундан эътиборан шартнома кучга кирган ҳисобланади.

Демак, шартнома тузишнинг меъёрий қоидаларини ўрганишга бўлган қизиқиш ва унга амал қилиш фаолиятимизни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлайди ҳамда ўзимизга ва ҳамкорларимизга нисбатан ишонч ҳиссини оширади. Энг асосийси, шартнома ўзаро муносабатга киришган томонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонуний ҳужжатдир.

Улуғбек АШУРОВ,
Тошкент транспорт прокурорининг ёрдамчиси

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРДА бўлгани каби республикамизда ҳам тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш суд орқали амалга оширилмоқда.

● *Таҳлил ва сабоқ*

НЕГА бошга тушди ғавғолар?

МЧЖ раҳбарининг лоқайдлиги хусусида



2007 ЙИЛ 30 НОЯБРЬ куни Бухоро шаҳар Давлат солиқ инспекцияси вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Малак Малик Қувват Файз" масъулияти чекланган жамиятига нисбатан молиявий жарима қўллашни сўраган эди.

Бухоро шаҳар прокурорининг 2007 йил 2 ноябрдаги "Ҳужжатли тафтиш тайинлаш тўғрисида"ги қарори ва Бухоро шаҳар Давлат солиқ инспекциясининг 2007 йил 13 ноябрдаги 540-сонли буйруғига асосан масъулияти чекланган жамиятда солиқ қонунчилиги ва ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан ўтказилган текшириш натижалари бунга сабаб бўлди.

Текшириш жараёнида корхона раҳбари Фарҳод Баҳронов бухгалтерия бирламчи ҳужжатлари, товар моддий бойликлар ҳисоботи, хазина китоби, ойлик иш ҳақи ҳисоботини юритиш китобини тақдим эта олмади. Бу эса унинг ўз вазифасига ўта лоқайдлик билан ёндашганлигидан далолат беради.

Хўш, бу бепарволик қандай оқибатларга олиб келиши мумкин? Табиийки, бундай ҳолда солиқ ва мажбурий тўловларни ҳисоблашнинг имкони бўлмайди.

Солиқ кодексининг 116-моддаси, 1-қисмига кўра, бухгалтерия ҳисобининг йўқлиги ва бухгалтерия ҳисобининг белгиланган тартибини бузганлик, ҳисобланиши лозим бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар суммасини аниқлаб бўлмаслигига олиб келганда, юридик шахс солиқ тўловчига нисбатан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг миқдорини аниқлаш имконияти бўлмаган даврда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумнинг бир фоизи миқдорида, бироқ энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кўп бўлмаган миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Суд мазкур қонун талабига амал қилиб, жавобгар корхонага нисбатан 888.500 сўм миқдорида жарима қўллади.

Текшириш чоғида масъулияти чекланган жамият раҳбарининг яна бир ғайриқонуний ҳаракати фош этилди. Ромитан тумани ҳокимлигидан 2007 йил 30 август куни олинган АА № 023 рақамли улгуржи савдо ҳуқуқини берувчи гувоҳнома сохта бўлиб чиқди.

Мазкур сохта ҳужжат "Алп Жамол банки" Қарши филиали Бухоро мини банкига тақдим қилиниб, пул маблағлари айланмаси амалга оширилган.

Солиқ кодексининг 114-моддаси, 1-қисмига кўра, кирим қилинмаган товарларни сақлаш (бундан уларнинг қонуний келиб чиқиши тасдиқланган ҳолатлар мустасно), ёхуд товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) кирим қилинмаган товар қиймати ёки яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади. Суд мажлиси жараёнида жавобгар мазкур ҳуқуқ нормаларига риоя қилмаганлиги аён бўлди. Жавобгарга нисбатан 1.210.000 сўм жарима қўлланилди.

Маълумки, нақд пул билан ҳисоб-китоб қилишда назорат касса машинасини мажбурий қўллаш тартиби жорий этилган. Масъулияти чекланган жамият раҳбари эса "ўзим хон, қўлланкам майдон", деб ўйлаган, шекилли 516.635.000 сўмлик нақд савдо пулларини назорат-касса машинасидан ўтказмасдан юраверган.

Суд мавжуд ҳужжатларни синчиклаб ўрганиб чиқиб, жавобгарга нисбатан қонун доирасида энг кам ойлик иш ҳақининг 30 баробари миқдорида 558.900 сўм миқдорида жарима қўллади.

Шу ўринда тадбиркорлик субъектларига нисбатан таъсир чоралари қўллашдан мақсад нима, деган ҳақли савол туғилиши табиий. Бундай ҳолатда тадбиркорлик субъектининг қонунга хилоф хатти-ҳаракати ёхуд ҳаракатсизлигига чек қўйилади. Шу билан бирга, мазкур чора қўлланилганда, бошқа фуқароларнинг, тадбиркорлик субъектларининг ҳақ-ҳуқуқлари, қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ҳамда давлат ва жамият манфаатларига етказилган зарар ўз вақтида қопланади. Энг муҳими, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ҳуқуқий-молиявий ва хўжалик муносабатлари муносиб тарзда давом эттирилади.

Мухтасар қилиб айтганда, хўжалик судлари томонидан тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларининг қўлланилиши тадбиркорларга хатоларини тушуниб етиш, ўзини ўнглаб олиш имкониятини бермоқда.

Шавкат ИБРОҲИМОВ,
Бухоро вилояти хўжалик суди судьяси,
Валижон ЮСУПОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ШЎРЧИ ТУМАНИНИНГ Ободон қишлоғида вояга етган кўҳликкина Барно Саидовага ошиқлар кўп эди. Сочлари узун, қадди-қомати келишган, хушрўйигина Барнога уйланаман деган йигитларнинг кўпи армонда қолди. Шу қишлоқлик Адҳам Хўжаназаров биринчилардан бўлиб қиз яшайдиган хонадонга совчилар юборди.

● *Фожиа*

Рашк ўти

исканжасида эр қотилликка қўл урди

ГАРЧАНД, Барнонинг Адҳамга нисбатан кўнгли бўлмаса-да, ота-онасининг раъйига қараб иш тутди. Адҳам Барнонинг ошиқлари кўплигини билса-да, буни унга сездирмади, аксинча қувониб, ҳар кимга ҳам насиб этмаган бахтидан боши осмонга етиб юрди.

Тўй ҳам қишлоқ ҳаётига муносиб ўтди.

Йиллар ортидан йиллар ўтаверди. Баҳор улар бир ёстиққа бош қўйган вақтдан ўттиз бор оламга ўз чечакларини инъом этди. Бу орада эр-хотиннинг кўнглига таскин берадиган фарзандлар етилиб қолди.

Ҳаёт экан, йил сайин инсон боласи ўзгариб, хулқ-атворида янги хислатлар пайдо бўларкан. Адҳам кейинги йилларда жуда ўзгариб кетди. Олдинги камсуқумлик ўрнини дарғазаблик, арзимаган нарсага жанжал чиқарадиган инжиқликлар эгаллади. Энди у ичкиликка ҳам муккасидан кетганди.

Қачонлардир салгина пайдо бўлган рашк ҳали ҳам уни тарк этмаган, аксинча, аланга олиб бўлган. Бўлар-бўлмасга жанжал чиқариб, қўлига эрк берар, гина, араз дегани бу рўзғорга атайин экилган дарахт каби гуркираб борди. Адҳамнинг кунора ароқ ичиб, маст ҳолда келиши Барнонинг ҳам терс қарашларига сабаб бўлди. Аввалига у чидади, вақти келиб қуйилиб қолар, деб юрди.

Эр-хотиннинг жанжалларига бўйи етиб қолган фарзандлар ҳам аралашадиган, уларни кунора ажратиб қўйишадиган бўлишди. Фарзандлар ўз волидаларининг қийналганини кўриб, онаси тарафида туриб, отага қарши боришса, "Сен болаларни ҳам менга қарши қайраяпсанми!" деган иддаолар бошланарди.

Эҳ, неча бор маҳалла оқсоқоллари-ю, қариндош-уруғлар тушмади орага.

Ана шундай нотинч кунларнинг бирида ароқнинг кайфидан ақли эговланган эр кечки пайт уйига йўл оларкан, бозор ёнидаги дўконга кириб, яна ароқдан сипқорди. Ҳовлисига яқинлашган пайт, укасига тегишли томорқадан ўтиб бораётган Барнони ғазаб билан тўхтатди:

— Қаерга кетяпсан?!

Эрини яна маст ҳолда кўрган Барно жаҳли чиқиб унга терс жавоб қилди:

— Нима ишингиз бор, ароғингизни ичиб юраверинг. Сизга хотин ҳам, рўзғор ҳам керакмас!

— Э, ҳали шунақами. Тилинг ҳам тикан бўлиб қолибди-ку. Ёки қайроқ тошга қайраб олдингми?

— Кўп ҳам сайрайверманг. Бу кунимдан кўра ўлганим яхши. Ҳа, деб ўйнашинг бор, юрасан, деган туҳматларингиз жонимга тегди!

Барно шундай дея йўлида давом этди. Шайтон васвасасига кирган Адҳамнинг кўзи қонга тўлиб бўлганди. У энди инсонийлик хислатларини бир ёққа йиғиштириб, ваҳшийлик гирдобига ғарқ бўлаётган кимсадек ошхона томон чопди. Қўлига илашган ошпичоқни олиб, аёли ортидан етиб борди-да...

Воқеадан хабар топганларнинг бири ички ишларга, яна бошқаси "Тез ёрдамга" чопди.

Аммо барчаси кеч эди. Фожиага анча аввал "ғишт қўйилган" эди. Рашк эвазига қурилган иморат, вайронага айланиб, бегуноҳ, муштипар аёлни тупроққа кўмди. Фарзандларнинг: "Онажон, жоним онам!" деб фарёд чекишлари рашкнинг надоматларига қўшилиб, ер бағрига кириб кетди.

Жиноят ишлари бўйича Шўрчи туман суди қотил Адҳам Хўжаназаровни узоқ муддатга озодликдан маҳрум этиш бўйича ўз ҳукмини чиқарди...

Аббос ХОЛМЎМИНОВ,
жиноят ишлари бўйича Шўрчи тумани судининг раиси,
Собир ЁДИКОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Адлия вазирининг 2008 йил 10 ноябрдаги 88-ум сонли, Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2008 йил 10 ноябрдаги 70-ум сонли буйруқларига асосан, Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси, 15/2-уйда жойлашган Тошкент вилоят давлат нотариал идораси тугатилди.

Ўғрига мол қаҳат... бўлди!

ЎҒРИНИНГ бой бўлмаслиги ҳақидаги қадимдан қолган ҳақиқатни XXI аср тасдиқламоқда. Узунлик Тоҳир Холбоев бултур 29 дан 30 августга ўтар кечаси тун ярмида, элнинг оёғи тингач ҳамқишлоғи Кудрат Мукаррамовнинг уйига тушди: эшик қулфлоқлик экан уни қўпориб очди, чунки уйда ҳеч ким йўқ эди. Қўлга илашган нарса — битта тикув машинаси ва арра, хўжалик пичоғи ва омбур бўлди. Тикув машинаси эртасига зудлик билан Деновдаги эски буюмлар бозорида 30 минг сўмга пулланди — арра билан пичоққа харидор чиқмади.

Тоҳир Холбобоев аввал ҳам икки марта ЎзР ЖКнинг 169-моддаси билан судланганлиги ва айни пайтда ахлоқ тузатиш жазосини ўтаётганлиги учун уни излаб топиш қийин бўлмади.

Судда у енгиллик беришини сўради ва оилавий аҳволим оғир, деди. Т.Холбобоев 1998 йилдаги жинояти учун тайинланган 3 йиллик қамоқ жазосидан Президентимизнинг амнистия ҳақидаги Фармонига мувофиқ озод қилинган эди. Аммо бу сафар у озодлик билан икки йилга хайрлашишига тўғри келди — жиноят ишлари бўйича Узун тумани суди ана шундай ҳукм чиқарди.

Равшан МУҲСИНОВ,
жиноят ишлари бўйича Узун тумани суди раиси

АЗАЛ-АЗАЛДАН ароқ деб аталмиш заҳри қотил инсониятнинг бошига ташвиш солиб келади. Шундай бўлса-да, айрим кимсалар бу оғу исканжасидан қутула олмай, унга канадек ёпишадилар. Энг ёмони ёш, навқирон йигитлар шу оғу сабабли умри хазон бўлади. Ҳаммадан ҳам аянчлиси, ароқнинг касофати туфайли оилалар барбод бўлиб, бегуноҳ гўдаклар ота-она меҳридан маҳрум бўладилар.

АРОҚ ИЧИБ, бировнинг тўйини бузган, заҳри қотилдан татиб, бировнинг умрига зомин бўлган ёки ўзи бир умрга ногирон бўлиб қолганлар ҳақида ҳар биримиз эшитганмиз. Аммо...

Шундай бўлса-да, инсоният бошига қанча маломату офатлар солган ароқнинг баҳридан ўтаолмаётганимиз ачинарли. Ҳукмингизга ҳавола этилаётган мудҳиш воқеа — қотиллик ҳам ароқнинг касофати туфайли рўй берди. Агар ўртада ароқ бўлмаганида эндигина ўттиз баҳорни қаршилаган, бегуноҳ Жалолиддин Шариповнинг бу дунёдан ризқи қийилмасмиди...

Ургут туманидаги "Чағизмон" маҳалласида истиқомат қилувчи Ҳошим ака яхши ният билан ўтган йили элга дастурхон ёзиб, катта-кичикнинг олдидан ўтди. Шу куни тўйга келган маҳалла аҳли тўйчининг марҳаматидан мамнун бўлди. Маҳаллада яшовчи Фарид Худойқулов ҳам тўйда иштирок этиб, қулфи-дили очилиб, заҳри қотилдан анча олиб юборди. Бир дастурхонда ўтириб улфатчилик қилган Фариднинг қўшниси Шерзод билан гапи қочиб, иккаласи "сан-ман"га бориб қолишди. Кўпчилик олдида бошланган тортишувдан сўнг икки маҳалладош кўчага чиқиб, роса тепкилашди. Шерзод дўсти Қаландарнинг ёрдами билан Фариднинг таъзирини берди. Шундан сўнг юз-кўзи қонталаш Фарид Худойқулов ўч олиш учун мадад истаб, уйи томон йўл олди. Айни пайтда Фариднинг уйига муқаддам безорилиги учун судланган тоғаси Илёс Яздонов меҳмонга келган эди. Урушнинг "хамиртуриши" бўлган Илёс Язданов калтакланган жиянини кўриб, пичоқ олиб кўчага чиқди. Унинг орқасидан Фарид эргашди. Тоға-жиян Шерзод ва Қаландарларга пешвоз чиқиб, уларни дўппослай бошладилар. Иккала томон ҳам ароқдан тўйиб олганлиги боис жанжал бешафқат тус олади.

Таёқнинг зарбига чидай олмаган Шерзод шу яқинда истиқомат қиладиган жияни, марҳум Жалолиддин Шариповникига югуриб кириб, ундан мадад сўради. Тоғасининг тарафини олиш учун Жалолиддин ҳам кўчага чиқиб, жанжални бостиришга ҳаракат қилди, лекин кўзи қонга тўлган Илёс муросага келмай, Жалолиддинни ҳам дўппослай бошлади. Ўзини ҳимоя қилиш учун Жалолиддин ҳам зарбга зарб билан жавоб қайтарди. Ўзидан ёш ва бақувват йигитга кучи етмаслигига кўзи етган Илёс номардлик қилиб, қўйнидаги пичоқни Жалолиддиннинг кўксига санчди.

Совуқ тиғнинг зарбидан навқирон йигит шу заҳоти ерга қуларди. Ичкилик сабаб бир бегуноҳ, навқирон йигитнинг умрига нуқта қўйилди...

Жиноятчи Илёс Яздонов Жиноят кодексининг 97-моддаси, "а" банди билан айбли, деб топилиб, 18 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Ҳа, қилмиш-қидирмиш, деганларидек, жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

Шу ўринда масаланинг бошқа томони кишини ўйга толдиради. Ароқнинг касрига қолиб, навқирон, бегуноҳ йигитнинг умри хазон бўлди. Не-не орзу-умидлар билан бир ёстиққа бош қўйиб, турмуш қурган келинчакнинг ниятлари саробга айланди. Бегуноҳ гўдаклар ота меҳри, унинг бир умрлик мададидан бенасиб бўлишди. Марҳумнинг ота-онасининг бағри қон...

Тўғри, Илёс қилмишига яраша жазо олди. У судда қайта-қайта ўз қилмишидан пушаймон эканини айтиб, кечирим сўради. Лекин энди бундан кимга фойда-ю, кимга зиён?

● *Жиноят ва жазо*

Унинг гуноҳи не эди?

яна оқ ароқнинг қора қилмиши борасида

Акмал ИКРОМОВ,
Ургут тумани прокуратураси терговчиси,
Азим ҚОДИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович
Мустафаев Бўритош Мустафаевич
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Рахмонов Абдукамол Шодиевич
Матрасулов Давлатназар Раҳимберганович
Тўраев Тўра Эргашевич
Саидов Шокир Камолович
Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» ҳуқуқий газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 4 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1015. Тиражи — 11153. t — тижорат мақола.

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 20.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5.

Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50.

2 3 4 5 6 7 8